



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

www.mv-vatanparvar.uz


@vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



2021 йил 11 июнь, № 23 (2930)

Лейтенант Исмоилжон Қўқоров суратга олган

КЎКДА ҚАЛҚОН, ЕРДА ПОСБОН – ДЕСАНТЧИЛАР



ЎЗБЕКИСТОН

НАФТА ИЧИДА

● «Худудларнинг sanoat salohiyatini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar tufarisida»gi Prezident farmoni qabul qilindi.

Farmonga kura, 24 ta tuman (shahar)lar qurilish materiallari ishlab chiqarishga ixtisoslashtirilib, ularda «kichik sanoat zonalarini» tashkil etiladi.

● Guliston shahrining jamoat transportida avtomatlashtirilgan tuloz tizimini joriy etish buyicha aniq vazifalar belgilab olindi.

Dastavval Guliston shahar ichki iynalishlarida xizmat kursatuvchi 60 dan ortiq avtobusda avtomatlashtirilgan tuloz tizimini joriy etish kuzda tutilmoqda.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



5-бетда

«АРМИ – 2021»: ТУНГИ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ

Халқаро армия ўйинлари сўнги йилларда иштирокчи мамлакатлар миллий армиясининг куч-қудрати, салоҳияти ва имкониятларини амалда кўрсатиб берадиган майдонга айланди.

7 ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛЯПТИ?

9 ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

11 «БИР ГАЗЕТАНИ ҲУКУМАТ ЁПСА, ИККИНЧИ ИСМДА...»

12 «ҚЎҚОНИЙ» – ЮЗ ЙИЛДА БИР ЯСАЛУВЧИ ҚИЛИЧ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

www.youtube.com/c/UzArmiya

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Қуролли Кучлар академиясида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўргатиш тизимини ривожлантириш, мазкур фан ўқитувчиларининг ўқув-услубий ва касбий малакасини оширишларини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.



ЧЕТ ТИЛНИ ЎРГАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ



Фикримиз далили сифатида Британия Кенгаши мутахассиси Жеймс Томас Эдвард бошчилигида академия профессор-ўқитувчилари учун ташкил қилинган икки йиллик ўқув курсини келтиришимиз мумкин.

Мазкур ўқув курсида малака оширган академия ходимларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳарбий атташеси Алан Ҳайтон ҳам иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўтган вақт давомида курс иштирокчилари инглиз тили борасидаги билимларини янада ошириб, MOODLE платформаси орқали энг замонавий педагогик технологияларни, инновацион методларни ўргандилар. Шу билан бирга Буюк

Британиянинг Норвич Тилларни ўқитиш институти малака ошириш курсида ўқиб, малака оширдилар. Бу эса ўз навбатида академияда инглиз тилини ўқитиш жараёнининг янги босқичга кўтарилишига, машғулотларга янги интерфаол усул ва услубларнинг жорий қилинишига сабаб бўлди. Натижада эса курсантларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишлари ортмоқда, инглиз тилида сўзлашиш ва тил билиш кўникмалари шаклланмоқда.

– Жеймс Томас Эдвард билан ҳамкорлигимиз самарали бўлди. У жуда талабчан устоз. Ҳар бир машғулотга масъулият билан ёндашади, – дейди Қуролли Кучлар академияси Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Нигора Тўраева. – Устозимиз ҳар бир дарсда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда қандай қилиб инглиз тили машғулотларининг ранг-баранглигини ошириш ва дарсларга ижодий ёндашиш мумкинлиги бўйича сабоқ берди. Бу борадаги тажрибалари билан ўртоқлашди. Бир сўз билан айтганда, биз ундан кўп нарсаларни ўргандик, тажрибамиз, малакамиз ошди. Ўрганганларимизни эса ўз навбатида фаолиятимизга татбиқ қиляпмиз.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА



ПОКИСТОНЛИК ЭЛЧИ АКАДЕМИЯГА ТАШРИФ БУЮРДИ



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига Покистон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллод ва мухтор элчиси Сйед Али Асад Гиллани ва элчихона ҳарбий атташеси Айзас Айзад Амин ташриф буюрди.

Меҳмонлар Қуролли Кучлар академияси фаолияти, бу даргоҳда таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар академия тарихини ўзида жамлаган музей, кутубхона ҳамда Покистон мавзувий синфида ҳам бўлишди.

Г. МУРОВА

ЭВЕРЕСТНИ ЗАБТ ЭТГАН БИРИНЧИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК АЛЬПИНИСТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев дунёдаги энг баланд Эверест чўққисини забт этиб, унда давлатимиз байроғини ҳилпиратган қаҳрамон альпинистимиз Сергей Денисенкони «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ва «Trailblazer» автомобили билан мукофотлади.



Хилтон меҳмонхонасига ҳарфларни айнан у ўрнатган.

С. Денисенко 8 848,86 метр баландликда жойлашган дунёдаги энг баланд Эверест (Жомолунгма) чўққисига чиқишга узоқ вақт ва пухта тайёргарлик кўрди. Шунингдек, бу Сергейнинг

биринчи ютуғи эмас. 2019 йилда у Непалдаги Мера чўққисини забт этди (Мера чўққиси Непалдаги энг баланд треккинг чўққиси ҳисобланади).

Аммо Эверест ҳар доим унинг энг катта орзуси бўлиб келган, бугунга келиб эса у ҳақиқатга айланди. 2021 йил 11 апрелда Никита Балабанов гуруҳи таркибида «Кулуар» жамоаси билан унинг Эверестга экспедицияси бошланди ва у чўққига кўтарилишни бошлади. Ноқулай об-ҳаво шароитида иқлимлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Об-ҳавонинг кескин ўзгарувчанлиги кўтарилиш имконини бермаслиги мумкин эди. Аммо сабр-матонат ва жаҳоннинг энг юқори чўққисидан туришга бўлган улкан хоҳиш устунлик қилди.

Тақдирлаш маросимида қаҳрамонимизнинг келгусидаги зафарли юришларига омад ва эзгу тилаклар билдирилди.

ЎЗА

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Сергей Денисенко энг мураккаб йўналишлардан бири бўлган жанубий қияликдан Эверест чўққисини забт этган биринчи ўзбекистонлик альпинист.

У болаликдан кўп вақтини тоғ оромгоҳларида ўтказган, саёҳат қилган. 2007 йилда у ўзининг реклама агентлигини очди, саноат альпинисти сифатида фаолият кўрсатди. Тошкентдаги энг баланд бино – Тошкент шаҳридаги 21 қаватли



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ВАЗИРЛИК АРХИВИГА ЖАМОАГА МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ ЯНГИ БИНО, АВТОМОБИЛЬ



Тарихни келажакка элтувчи муҳим манбалар борки, уларнинг йилдан йилга, асрдан асрга талафотсиз ўтиб келишида архив ходимларининг ўрни ва ҳиссаси бекиёс. Қадим тарихимизнинг нодир манба ва қўлэмаларини авлодларга етказиб бериш бўйича мамлакатимизда ҳам самарали ишлар амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу йўлдаги хайрли қадамлардан биридир.



Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви учун алоҳида бино ажратилиб, ушбу мажмуа замон талабларига мос равишда қайтадан қад ростлади. Янги бинонинг тантанали очилиш маросими ўтказилиб, унда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ҳамда турли ташкилот мутасаддилари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Сўз олганлар соҳа ходимларининг масъулиятли фаолиятига юксак баҳо бериб, улар ҳеч муболағасиз тарихнинг бир бўлагини сақлаб келаятиганини таъкидлаб ўтишди.

– Янги бинода иш бошлар эканмиз, узоқ йиллик хавотирларимиздан халос бўлдик, – дейди Илмий маълумотлар аппарати техник ходими II даражали сержант Шоира Мансурова. – Сабаби биз совуқ қиш кунларида, баҳорнинг ёмғирларида ҳужжатларнинг сифатли сақланишидан ташвишга тушардик.

Ўтмишга назар солсак, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви 1941 йил Туркистон ҳарбий округи таркибиде ташкил этилган бўлиб, шундан буён то бугунгача турли ҳудудларда фаолият юритди.

Муқим бинога эга бўлмагани учун архив йиллар давомида бир талай муаммолар қамровида қолиб келди. Қувонарлиси, бугун Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви ўз тарихидаги энг замонавий ва илғор технологиялар асосидаги бинога эга бўлиб, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминланган ҳолда ўз фаолиятини бошлади.

Янги кўринишдаги Марказий давлат архивида замонавий форматдаги архив сақловхонаси, ходимлар учун алоҳида иш хоналари, архив ҳужжатларини қабул қилиш ва вақтинча сақлаш, мақбул иқлим яратиш учун хоналар, ўқув ва фуқароларни қабул қилиш хоналари мавжуд бўлиб, мажмуа ўзига хос стеллажлар, ўт ўчириш воситалари, видеокузатув ҳамда муқобил ҳароратни ушлаб турувчи

ҳаво алмашилиш тизимлари билан жиҳозланган. Бу эса ўз навбатида тарихий ҳужжатларни узоқ ва яхши ҳолда сақланишини кафолатлайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архивида Андижон ҳарбий комиссариатида тегишли, 1918 йилга тааллуқли бўлган 339 та йиғмажилд, 154 та йиғмажилддан иборат бўлган Туркистон ҳарбий округининг 1920 – 1940 йилларга оид ҳужжатлари, 1953 йилдан бошлаб Туркистон ҳарбий округига доир ҳамда 1991 йилдан бошлаб Мудофаа вазирлиги қўшинларига доир архив ҳужжатлари сақланади.

Шунингдек, жами 138 мингдан ортиқ йиғмажилд, 3 мингдан ортиқ ҳарбий қисм ва муассаса фондлари ушбу мажмуа бағридан жой олган.

Байрамона тадбир давомида мудофаа вазирининг соҳа ходимларини рағбатлантириш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди ҳамда бир гуруҳ ўз ишининг фидойилари ҳарбий оркестр садолари остида тантанали тақдирланди.

Мудофаа вазирлиги Марказий давлат архиви жамоасига мудофаа вазири томонидан «Damas» русумли автомобиль калити ҳам топширилди.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ



Янгича инфратузилма ва қиёфа касб этган Тошкент ҳарбий округига қарашли «Марказ» десантчилар тайёрлаш базасида пухта тайёргарликдан ўтган ҳарбий хизматчилар «Тошкент денгизи»га парашют билан сакрашди.

САМО, СУВ, СОҶИЛ...



Десантчилар парашют билан сакрашгача бўлган барча жараёни ҳаво-десант тайёргарлиги офицерлари ва йўриқчилар томонидан ўтказилган назарий ва амалий машғулотларда пухта ўрганиб, жанговар вазифани бажаришга киришди.



Ми – 8 вертолётда ҳавога кўтарилган юрт ўғлонлари бирин-кетин «Тошкент денгизи» осмони узра кўриниш бера бошлайди. Биринчи гуруҳга ҳамроҳлик қилиб, уларни очиқ ҳавога кузатиб қўй-сак, кейинги гуруҳларни гоҳ сувда, гоҳ соҳилда кутиб олаверамиз. Ҳарбий хизматчилардаги шижоат, аъло ва жанговар кайфият ўқув машғулотининг юқори савияда ўтишини таъминлайди.

– Ҳарбий хизматчилар аввало ерда ҳаво-десант тайёргарлиги машғулотларини пухта ўзлаштириши керак. Шундан сўнг мукамал кўникмага эга бўлган десантчилар амалий машғулотларга жалб этилади. Йигитларнинг билими, салоҳияти ва тажрибасини ошириш мақсадида парашют билан сувга сакраш, шунингдек, тунги сакраш машғулотлари ҳам ташкил қилинапти, – дейди полковник Фулом Тўйчиев.

Сувга парашют билан сакраш десантчида янада ҳушёр ва диққатли бўлишни талаб этади. Боиси ҳарбий хизматчи томонидан шамол йўналиши ва тезлиги инobatга олинмаса, маълум ҳудуднигина қамраб олган нуқтага етиб келиш мураккаблашади. Натижада жанговар топшириқ бажарилмайди.

Парашют билан сувга сакраган десантчилар сув юзасига яқин келганида асосий ва захира парашютдан эпчиллик

билан ажралиб олиши керак. Агар бунинг уддасидан чиқолмаса, сувда туриб парашютдан ажралиш биров қийинчилик туғдирибгина қолмай, ортиқча вақт сарфини ҳам талаб этади. Десантчининг жанговар вазифаси сувга сакраш билангина чекланиб қолмайди. Парашют ҳарбий хизматчининг топшириқни бажариш йўлидаги муҳим воситасидир.

Бунинг тўғри англаган ҳарбий хизматчилар муваффақиятли сакрашдан сўнг тезлик билан соҳил томон сузиб боришади. Қирғоққа-ча бўлган масофа 200-300 метр. Бу ҳам Ватан ҳимоячиларининг жанговар шайлиги, ҳар қандай шароитга тайёр бўлиши ва энг муҳими, берилган вазифани ўз вақтида хатоларсиз бажариш кўникмасининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

И. НУРАЛИЕВ



ХАЛҚАРО АРМИЯ ҲАЙИНЛАРИ ОЛДИДАН

«АРМИ – 2021»:

Халқаро армия ҳаЙинлари сўнги йилларда иштирокчи мамлакатлар миллий армиясининг куч-қудрати, салоҳияти ва имкониятларини амалда кўрсатиб берадиган майдонга айланди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан иборат жамоамиз ушбу нуфузли мусобақанинг энг илғор иштирокчиларидан бири.



**ТУНГИ
ТАЙЁРГАРЛИК
МАШҒУЛОТЛАРИ**



Албатта, бундай халқаро эътироф ўз-ўзидан эмас. Бунинг замирида аввало, давлатимиз, қолаверса, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган кенг кўламли шарт-шароитлар, ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз маҳоратлари устида тинимсиз ишлашлари, туну кун тўхтамаётган машғулотлар ётибди. Ҳозирда Мудофаа вазирлиги қўшинларида Халқаро армия ҳаЙинларига тайёргарлик аЙни авж палласида. «Артиллерия олови устаси» йўналишида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган жамоа тунги тайёргарлик машғулотларини ҳам юқори савияда ўтказишмоқда.

Якка тартибдаги пойга, тунги спринт ва эстафета синовларини ўз ичига олган мусобақада йигитлар бир-биридан мураккаб шартларни бажаришади. Биз бугун кузатган машғулот жараёни айнан тунги спринт машғулотлари эди.



– Кундузги синов машғулотларини бажаришда ёруғлик ҳисобига бир қанча устунликларга эга бўламиз, – дейди миномёт командири катта лейтенант Жасурбек Эгамбердиев. – Тунги синовлар эса биздан янада сергак, янада мушоҳадали ва янада эпчил бўлишни талаб этади. Зирҳли техникада белгиланган масофани хатосиз босиб ўтиш, миномёт, ўқотар ҳамда гуруҳ қуроллари ёрдамида нишонларни яқсон этишдаги мураккаблик бироз ортади. Бироқ шунга қарамай, тайёргарлик жараёнидан, натижаларимиздан кўнглимиз тўлапти. Чунки жамоамиз билан шартларни ўз вақтида, беҳато бажаряпмиз. Насиб қилса, Қозоғистон мезбонлик қиладиган мусобақада юқори натижаларга эришамиз.

Ҳа, йигитларнинг шашти баланд, мақсади эзгу. Улар ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун бор имкониятларини ишга солиб, сидқидилдан ҳаракат қилмоқда. Юрт ўғлонлари тунги спринт шартини тугатганида тун ярмидан оғиб, янги кун лаҳзаларида нафас олинаётган эди. Ўзбекнинг бу каби мард, жасур ва фидойи фарзандларини кўриб, қалбинг фаҳрга тўлади. Мана шундай бедорлар бор экан, она Ватан ори учун (!) дейилганида майдон эгасиз қолиб кетмайди.

Таъкидлаш жоиз, «АрМИ – 2021» Халқаро армия ҳаЙинларининг «Артиллерия олови устаси» мусобақасига янги танлаб олинган ҳарбий хизматчилардан иборат учта миномёт ҳисоби тайёргарлик кўрмоқда. Ватан шаънини ҳимоя қилиш учун бел боғлаган йигитларимизнинг юзлари ёруғ бўлсин.

**Лейтенант Исломжон ҚҲЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**



Муаллиф суратта олган

ҲАЙДОВЧИЛИК КЎНИКМАСИ ОШИРИЛДИ

Нукус шаҳрининг Отчопар майдонида гарнизонда жойлашган ҳарбий қисмларнинг муддатли ҳарбий хизматчилари иштирокида махсус мажмуавий тактик машғулот бўлиб ўтди.

Унда ҳайдовчилик вазифасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар штатдаги автомобилларда мураккаб машқларни бажариш, юқори тезликда транспорт воситаларини колоннада бошқариш, зарарланган ҳудудлар ва ўтувчанлиги қийин бўлган жойлардан техникани ҳайдаб ўтишди.

Ҳайдовчилик маҳоратига эга бўлган аскарлар машғулот давомида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, шартли кичик носозликларни аниқлаш ва уларни қўл остидаги иш қуроллари ёрдамида бартараф этиш каби шартларни ҳам бажаришди.



Аскарларнинг ҳайдовчилик маҳоратини юксалтириш, уларда ҳар хил вазиятларда техникани тезкорлик билан шай ҳолатга келтириш, ҳарбий интизом, ўзига бўлган ишонч ва қатъиятни тарбиялаш, техникани соз ва шай ҳолатда сақлашга қаратилган машғулотлар давомида малакали мутахассислар яқиндан ёрдам беришди. Машғулот давомида иштирокчиларнинг техника хавфсизлиги талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилди.



Ҳайдовчиларнинг психологик кучлиниши ва жисмоний зўриқишларни енгиши машғулот якунида колонна билан 30 км масофага амалга оширилган марш давомида синовдан ўтди.

Машғулот давомида хавфли ҳудудлардан шартли равишда ўтган техникаларни радиацион, биологик, бактериологик муҳофазасини таъминлаш мақсадида кимёвий ишлов бериш тартиби ҳам намоиш этилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



КОНФЕРЕНЦИЯ

«ТРЕНАЖЁРЛАР РЕАЛЛИККА ЯҚИН БЎЛИШИ КЕРАК»

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Техник таъминот ва Табиий фанлар кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасалари ҳамда бошқа олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда «Ўқув тренажёрларини яратиш ва таълим жараёнида қўллашнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий онлайн конференцияси ўтказилди.

– Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган грантлар учун БМП-2 пиёдалар жанговар машиналарини мажмуавий динамик тренажёрини яратиш бўйича лойиҳани тақдим этдик. Лойиҳа мавзусида танловда ғолиб бўлгандан кейин, ўқув тренажёрларини яратиш бўйича иш бошладик, –



дейди академиянинг Табиий фанлар кафедраси профессори Шерози Мисиров. – Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа тўлиқ якунланиш арафасида. Биз ўз мақсадимизга эришдик. Бунинг аниқ ечимларини олдик. Биз яратган

бойитдик. БМП-2 пиёдалар жанговар машиналарини мажмуавий динамик тренажёрни ҳозирги кунда соҳада ягона. Сабаби биз ўрганган мажмуавий тренажёрларнинг деярли барчасида механик-ҳайдовчи билан экипаж-

тренажёрни бугун синовдан ўтказдик. Ажратилган грант орқали кичик устахонани ишга туширдик ҳамда академиянинг моддий-техник базасини ҳам маълум миқдорда

нинг ўрни алоҳида жойлашган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда биз ўзининг тренажёримизни реалликка яқин қилиб яратдик. Бу эса ресурсларни тежайди ҳамда экипажга машқларда ўрганганларини ҳаётда бемалол тарғиб этишида ҳеч қандай психологик таъсир ўтказмайди.

Республика илмий-амалий онлайн конференциясида малакали офицер кадрлар таркибини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий лойиҳаларда иштирок этиш, илм-фан янгиликларини таълим жараёнида қўллаш, илмий инновацион технологиялар, янги ўқув-услубий ва техник имкониятларга доир муаммолар ва долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ

СЎНГГИ СИНОВЛАР ПАЛЛАСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг битирувчи курсантлари давлат имтиҳонларини топширмоқда. Бу сафарги имтиҳон хорижий тиллар ва гуманитар фанлардан бўлиб ўтди. Курсантлар тўрт йил давомида олган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллашларидан олдин, таълим берган устозлари синовидан ўтказилмоқда.



Муаллиф суратга олган

Хорижий тил, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан бўлаётган имтиҳонлар махсус аудиторияларда ўтказилаётган бўлса, муҳандислик таъминоти, отиш ва махсус тактик тайёргарлик, радиацион, кимёвий ва биологик ҳимоя қўшинлари тактикаси сингари фанлар бўйича синовлар полигонда ташкил этилди.

– Бугунги синов имтиҳонларимиз хорижий тиллардан бўлиб ўтди, – дейди курсант Зухриддин Авазов. – Хорижий тилларни ўзлаштиришимиз келажак фаолиятимизда ўз самарасини беради. Тезкорлик билан ривожланиб бораётган техника ва технологияларни ўзлаштиришда, албатта, тил билишнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам биз тўрт йил давомида ўз соҳамизга ҳамроҳанг тарзда хорижий тилларни ҳам ўзлаштирдик ва давлат имтиҳонидан устозларимизнинг эътирофига сазовор бўлдик.

Қуролли Кучлар академиясида битирувчи курсантлар учун давлат имтиҳонлари давом этмоқда. Мазкур имтиҳонлар юрт ўғлонларининг билимларини сарҳисоб этувчи муҳим жараён. Зеро, бу ерда олинган ҳар қандай кўникма курсантларнинг офицер сифатида қўшинлардаги фаолияти самарадорлигини белгилаб беради.

Ш. ШАРИПОВ



БЎЛҒУСИ ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР

Тошкент тиббиёт академияси Ҳарбий тиббиёт факультети битирувчилари якуний имтиҳонларни топширишмоқда.

Битирувчи курсантлар икки йил мобайнида қўшинлар тиббий таъминотини ташкил этиш, ҳарбий-дала хирургияси, терапияси, ҳарбий гигиена ва эпидемиология, умумҳарбий тайёргарлик ва бошқа бир қанча йўналишларда чуқур билим олдилар. Асосан амалий машғулотлардан иборат тайёргарликларда олинган билим шу кунларда тиббиёт, Ўзбекистон тарихи ва ҳарбий мутахассислик фанларидан ўтказилаётган имтиҳонларда баҳоланмоқда. Мутахассислик бўйича ситуацион масалалар, амалий кўникмалар ҳамда беморлар парвариши, диспансеризацияси ва профилактикаси шакллари намойиш этган объектив тузилмавий клиник имтиҳонда бўлғуси ҳарбий шифокорлар етарли билим ва кўникмага эга эканликларини намойиш қилдилар.



Лейтенант Жаҳонгир МАДАМИНОВ

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛЯПТИ

Июнь ойи битирувчи босқич курсантлари учун ғалвир сувдан кўтариладиган палла. Давлат имтиҳонларида фақат билимларигина юқори натижаларни қайд этади.

Қуролли Кучлар академияси Умумқўшин факультети 4-босқич курсантлари академиянинг дала-ўқув майдонида якуний давлат имтиҳонини топширдилар. Хусусан, бўлажак офицерлар жангда муҳандислик таъминоти ва муҳандислик қўшинлари, қисм ва бўлинмаларининг тактик ҳаракатлари, радиацион, кимёвий ва биологик разведканинг техник воситалари, ҳарбий токсикология сингари фанлардан назарий ва амалий топшириқларни муваффақиятли бажаришди. Давлат аттестация комиссияси аъзолари курсантларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини шаффоф ва холисона синовдан ўтказдилар.

Ҳаво ҳароратининг юқори бўлишига қарамай, улар ўз олдига қўйилган вазифаларни тезкорлик, аниқлик ва шижоат билан удалашди. Ҳарбий хизматчи учун жисмоний ва жанговар тайёргарлик энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Қуролли Кучлар академияси дала-ўқув

майдонидаги танк отиш шаҳарчаси отиш тайёргарлиги фани бўйича олиб борилган имтиҳонларда ҳам айнан тўрт йил давомида эгалланган билимлар амалий жиҳатдан сарҳисоб қилинди.



Муаллиф суратга олган

майдонидаги танк отиш шаҳарчаси отиш тайёргарлиги фани бўйича олиб борилган имтиҳонларда ҳам айнан тўрт йил давомида эгалланган билимлар амалий жиҳатдан сарҳисоб қилинди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

КИТОБ ҲИДИ, ИФОРИДИР ЎЗГАЧА, У ОЗИҚДИР ЕТМИШ ИККИ ТОМИРГАЧА

Ўзбекистон ёшларини маънан бой, жисмонан бақувват, қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга содиқ этиб тарбиялашда китобнинг ўрни беқиёс. Қуролли Кучлар академиясида «Ёшлар ойлиги» муносабати билан ҳарбий хизматчилар ҳамда курсантлар учун «Ўзбекистон» нашриёти матбаа ижодий ўйи билан ҳамкорликда янги чоп этилган китоблар ярмаркаси ўтказилди.

– Тарихий воқеаларга бой бўлган китобларни ўқишга қизиқаман. Чунки давлат ва миллат бор экан, албатта, унинг ўз тарихи бўлади. Шу жумладан, ўзимизнинг шонли тарихимизга бўлган қизиқишим икки қарра устун, – дейди курсант Нодир Жавлонов. – Ўзим яшаб турган Ватанимнинг тарихи мен учун жуда муҳим.

Айниқса, Амир Темур бобомизнинг яшаган даври ва у инсон амалга оширган буюк ишларни билишимиз барчамизнинг бурчимиздир. Шу сабабли ҳам китоб ярмаркасида Темур бобомизга алоқадор китобларни харид қилдим. Бу китобни ўқиб бўлганимдан кейин, албатта, дўстларимга ҳам ўқишни тавсия этаман. Тарихий китоблардан жуда кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Мен ҳар сафар ўша китобни ўқиганимда ўзим учун янги бўлган маълумотларни кашф этаман.

Шалола ШЕРАЛИЕВА



ВАТАН ТАҚДИРИ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМ

Пахтабод тумани адлия бўлими ва Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар иштирокида «Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга қураимиз» шиори остида «Ватан тақдирим – менинг тақдиримда» мавзусида ватанпарварлик тадбири ўтказилди.



Ундан кўзланган асосий мақсад, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституциявий мажбуриятларини бажариш, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга ўргатишдир.

Тадбир давомида асосий эътибор ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга содиқлик, шунингдек, «оммавий маданият» кўринишидаги салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги чиқишлари ва ҳарбий оркестр садолари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Ғофиржон СОЛОМОВ,
Пахтабод тумани
адлия бўлими бошлиғи

САНА

28 йиллик шонли тарих



Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг Нукус гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмлардан бири ташкил топган кунини нишонлади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2018 йилда ҳарбий қисм капитал таъмирдан чиқиб, замонавий қиёфага эга бўлди. Энг олис гарнизонда жойлашганига қарамай, ҳар қандай вазиятда юқори жанговар шайлик, маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотидаги ютуқлари билан миллий армиямизда ўз нуфузига эга бўлган ушбу ҳарбий қисм 28 йил давомида етук офицер ва сержантларни тарбиялайдиган масканга айланган.

Ҳарбий қисм ташкил топган кун муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда иштирок этган округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов барча ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар ишчи-хизматчиларини ҳамда фахрий устозларни мазкур тарихий сана билан самимий қутлар экан, келгуси хизматларида улкан зафарлар қўлга

киритилишига тилак билдирди. Намунали интизоми билан сафдошларига ўрناк бўлган ва хизматига сидқидилдан ёндашган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ҳарбий округ ва ҳарбий қисм қўмондонликларининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган концерт дастурида Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри жамоаси ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Санъат факультетининг талабалари ажойиб куй ва кўшиқлар билан иштирокчиларга хуш кайфият улашди. Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими рассомлари томонидан намоиш этилган маҳорат дарслари даво-



мида эса ҳарбий хизматчилар ва уларнинг фарзандларига портрет жанрида расм чизишнинг сир-синаотлари ўргатилди. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун ташкил этилган қизиқарли ютуқли ўйинлар ҳам жажжи болажонларга бир олам қувонч бағишлади.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати

ИНСОНИЙЛИК



Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини собиқ Иттифоқ халқ хўжалигининг турли тармоқлари республикага эвакуация қилинишида ва уларни ҳарбий изга солинишида ҳам кўрамиз, яъни уруш йилларида Ўзбекистон армияни ўзлуксиз равишда қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлайдиган марказга айланган.

Уруш даврининг энг мураккаб вазифаларидан бири иқтисодий ва ҳарбий изга солиш эди. Корхоналарнинг кўпчилиги дастлабки ойлардаёқ фронтга маҳсулот бера бошлади. Масалан, 1941 йилнинг 10 сентябрида Сумдан Чирчиққа кўчириб келтирилган машинасозлик заводи ўқ-дори, қурол-яроғ ва жанговар техника учун зарур қисмлар, бир неча ойдан сўнг эса миномётлар ишлаб чиқара бошлади. 1941 йил 20 ноябрда Москва яқинида Тошкентга В.Чкалов номидаги авиация заводи анжомлари юкланган эшелон етиб келди. Орадан 40 кун ўтганидан сўнг, 1942 йил 7 январда авиасозлар Ўзбекистонда биринчи ишлаб чиқарилган ПС-84 транспорт ва 1942 йил сентябрда эса янги Ли-2 номи билан яратилган самолётларни фронтга жўнатдилар, завод ишчилари баъзи кунлари 2-3 тадан ҳарбий самолёт ишлаб чиқардилар. Завод билан биргаликда юборилган инженер-техниклардан И.Т. Усакова, М.М. Кунакова, В.Н. Сивиц, С.М. Егоров ва маҳаллий миллат вакиллари А. Ибрагимов, М. Шокиров, Х.Шормухамедов, З. Самиков ва бошқалар елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

1942 йил бошларида бу заводга қўшимча яна 2 мингга яқин маҳаллий аҳоли жалб қилинди. Шуни айтиш керакки, уруш йилларида собиқ Иттифоқ микросида ҳарбий машиналар фашистлар армиясидагига нисбатан кўп ишлаб чиқарилди. Албатта, бунда Ўзбекистоннинг ҳам ҳиссаси салмоқлидир. Фронтга кўплаб жанговар техникалар, самолётлар етказиб бериш ҳақида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1942 йил 14-16 февралда қабул қилинган ПС-84 типдаги самолётлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги қарори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарор урушнинг энг оғир давларида фронт учун янада кўпроқ самолётлар етказиб беришга қаратилган эди.

1941 йилнинг ноябрь ойи бошларида Ўзбекистонга Ростовдан эвакуация қилинган Росселмаш заводи бир ҳафтадан кейин миномётлар учун миналар ишлаб чиқара бошлади. Ушбу заводнинг қурол-аслаҳалар, «Катюша» ва миномёт снарядларини ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши қатъий назоратда бўлиб, 1941 йил 18-28 декабрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва КП МҚ томонидан қабул қилинган қарорда ўз аксини топган эди.

1942 йил февралда келиб миномёт миналарининг биринчи партияси фронтга жўнатилди, бу қурол-яроғлар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳукумати фронт учун танклар ишлаб чиқаришни ҳам кўпайтиришни йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратди ва 1943 йил 8 майга келиб, Челябинск вилоятининг қурилиш корхоналарида ишлаш учун 11 700 нафар ўзбекистонлик жўнатилди, улардан собиқ Иттифоқнинг тақсмоти бўйича вилоятнинг танк саноати қурилиши учун 1 050 нафар, кўмир саноати учун 1 500 нафар, қолганлари эса рангли металл корхонасига, ўрмон кесиш ишларига ҳамда бошқа завод ва корхоналарга ишга юборилган.

1943 йил сентябрда келиб, Свердловск вилоятининг қурилиш корхоналарида 26 840 нафар Ўрта Осиё республикаларидан сафарбар этилган ишчи меҳнат қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Россиянинг саноат ва фронт орти ҳудудлари билан бир қаторда Сибирга кон, қурилиш, саноат ва ўрмон кесиш ишларига 1945 йил эзига қадар Ўзбекистондан 155 000 нафар киши ишчи батальонлари сафига сафарбар этилган. Шунингдек, Қорақалпоғистондан 25 000 дан ортиқ ишга яроқли аҳоли Свердловск, Пермь, Горький, Оренбург каби шаҳарларнинг меҳнат батальонларида оғир ишларни бажарди.

Уруш сабабли Ўзбекистонда меҳнатга яроқли аҳолининг сони қисқариб кетди. Масалан, Сурхондарё вилояти бўйича меҳнатга яроқли аҳолининг сони 1942 йилда 1941 йилдагига нисбатан 56 500 кишига камайди, улардан 40 000 нафарини ўсмирлар ташкил этар эди. Республика бўйича 1941-1942 йилларда Ўзбекистонда меҳнатга яроқли колхозчиларнинг сони 20 фоизга, 1945 йилга келиб, 40 фоизгача қисқарди. Лекин шунга қарамадан, ўзбек халқи уруш йилларида халқ хўжалигининг барча тармоқларида шижоат билан меҳнат қилди. Жумладан, қашқадарёликлар давлатга жами 158 650 тонна пахта, 17 661 тонна ғалла, 15563,4 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бирга, жуда кўп миқдорда пул, кийим-кечак етказиб бердилар.

Шундан сўнг халқимиз бошига янада оғир кунлар, синовлар тушди, аммо матонатли юртдошларимиз машаққатли меҳнатлари эвазига 1944 йили 820 000 тонна пахта, фоиз ҳисобида эса 101,4 фоиз, 1945 йилда эса 824 200 тонна етиштирди. Бу Ўзбекистон халқининг оғир ва шу билан бирга машаққатли меҳнатининг натижаси эди. Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан яқунланиши учун бор имкониятларини ишга солиди, фронт учун зарур бўлган ўқ-дори, ҳарбий техника ва бошқа анжомлар етказиб беришда тинимсиз меҳнат қилди. Натижада Ўзбекистон 1941-1945 йиллардаги уруш давомида фронтга 2 100 та самолёт, 17 342 та авиамотор, 2 138 миң донна авиабомба, 17 100 та миномёт, 4 500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 000 га яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 миллион донна мина ва 560 000 донна снаряд, 1 миллион донна граната, дала радиостанциялари учун 3 миллион радиолампа, қарийб 300 000 та парашют, 5 та бронепоезд, 18 ҳарбий-санитария ва ҳаммом-кир ювиш поезди, 2 200 та кўчма ошона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб берди. Булар ўзбек халқининг оғир ва тинимсиз меҳнати, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб сақланган маблағлари эвазига юзага келган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида 1941 йил октябрдан 1945 йил 1 июлига қадар 164 382 нафар ярадор аскар ва зобитлар даволаниш учун Ўзбекистонга келтирилди, ғалабадан кейин 1945 йил июнь ойининг охирига қадар 5 520 киши даволанишни давом эттирган. Халқимиз ўша оғир йилларда турли йўналишлардаги барча топшириқларни бажаришга ҳаракат қилди, бу ўзбек халқининг сабр-тоқатли ва бардошли эканлигидан далолат эди. Ўзбекистон халқи республикада ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг танглигига қарамадан, фашистлардан озод этилган ҳудудларни тиклаш ва аҳолисига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ишларида фаол қатнашдилар. Урушдан зарар кўрган районларда халқ хўжалигини тиклаш 3 босқичда амалга оширилиши режалаштирилди.

1-босқич – 1941 йил охиридан 1943 йилнинг август ойига қадар, 2-босқич – 1943 йилнинг кузидан уруш охиригача, 3-босқич – 1946 йилдан 1950 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистондан Ставрополь ўлкасига 1 220 та трактор, 50 та комбайн, 1 220 та плуг, 600 та сеялка, Краснодар ўлкасига эса 200 та автомашина, Украинага 350 та трактор ва 350 та плуг ва бошқа механизмлар юбориш белгиланди. Қишлоқ хўжалиги техникалари билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Қорақалпоғистондан фақат 1943 йилнинг ўзида урушдан озод бўлган туманларга 1 100 бош қорамол, 14 500 та қўй-эчки жўнатилди, Навоий вилояти эса Украина, Беларусь, Россиянинг ғарбий туманлари учун 1943 йилнинг охиридан 100 000 дан

ортиқ, 1944 йил ўрталарига келиб эса 150 000 бош қоракўл қўй ва эчки юборди, шуниси таажжубланарлики, тажрибали ўзбекистонлик чорводорлар ёрдам сифатида юборилган қўй ва эчкилар билан Россиянинг белгиланган ҳудудларигача бўлган масофани пиёда босиб ўтган эдилар. Бу жуда катта жасорат эди, шунингдек, 1944 йил декабрда сурхондарёликлар 347 000 сўм пул, 636 бош қорамол, 230 бош от, минглаб қўй-эчки, 5 595 тонна ғалла, 100 минглаб кийим-кечак, бир неча 100 000 сўмлик техника воситаларини Ростов-Дон вилоятига ёрдам сифатида жўнатдилар. 1943 йил сентябрда бошқа соҳа мутахассислари каби Ўзбекистондан 800 нафар шифокор Беларусь, Украина ва Россиянинг душмандан озод этилган ҳудудларидаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун юборилди. Биргина Тошкентда 20 га яқин госпиталь жойлашган бўлиб, улар 7 650 ўринни ташкил этар эди. Уруш йилларида Самарқандга 20 га яқин ҳарбий шифохона, Фарғона вилоятига эса уруш даврида кўчириб келтирилган 5 000 ўринга эга бўлган 16 та госпиталь фаолият кўрсатди. 1941 йилнинг ноябрда Москва вилоятидаги 2903-сонли госпиталь Наманган вилоятининг Поп туманига жойлаштирилди. Уруш йилларида ушбу вилоятга шундай госпиталлардан 19 таси кўчириб келтирилиб, барча ҳарбий госпиталлар республика ҳукумати томонидан жамоа хўжаликларига, туманларга бириктирилиб қўйилган эди.

Ўзбек халқи бу билан чекланмади, фронт учун оғир меҳнат қилиш ва ўқ-дори, қурол-аслаҳа, кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлаш қаторида уруш туфайли бошпанасиз қолиб, Ўзбекистонга келтирилган оилалар ва ота-онасиз қолган болаларни ўз бағрига олди. 1942 йил 19 мартгача эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш тўғрисидаги маълумот қўйидаги кўринишга келганди: 1941 ноябрдан Ўзбекистонга тахминан 22 000 бола эвакуация қилинган, шулардан 9 420 нафари болалар уйлари таркибиде келган, болалар орасида мактаб ёшигача бўлганлар 2,5 фоизни, 14 ёшлилар 31 фоизни, 15-16 ёшлилар 48,5 фоизни, 17-18 ёшли ўсмирлар 18 фоизни ташкил этарди. Кўчирилган болаларнинг яримдан кўпи (51 фоиз) ҳам онасидан, ҳам отасидан ажраган етим бўлиб, қолганларнинг ота-оналари урушда бўлган. 1945 йилда Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 268 та болалар уйи мавжуд бўлиб, улардаги тарбияланувчилар сони 31 300 нафарни ташкил этади. Ҳолбуки, уруш арафасида республикада фақат 106 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 12 000 бола тарбияланарди.

Давлат томонидан болалар муассасаларига ажратилган маблағлар етишмаётганлигини ҳисобга олиб, республиканинг кўпгина меҳнат жамоалари уларга қўлларидан келганича ёрдам беришни ўз зиммаларига олишди. Корхона ва ташкилотларда болалар уйларининг филиаллари ташкил этилиб, улар тўла-тўқис меҳнат жамоалари маблағи ҳисобидан таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Иккинчи жаҳон уруши бутун инсоният бошига улкан қулфатлар келтирди. Тинчлик ва адолат учун курашган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг ҳам бекиёс ўрни бор, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Урушнинг оғир йилларида ўзбек халқининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлиб туради. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жанг жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади.

Зинур БОЗОРОВ,
«Шон-шараф» музейи кичик илмий ходими

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

МАҲАЛЛАБАЙ ЎРГАНИШЛАР ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА

Давлатимиз раҳбари томонидан халқ билан мулоқот қилишнинг янги, яъни маҳаллабай ишлаш тизими яратилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, ҳудудларда амалга ошириладиган ишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги камчилик ва тўсиқларни бартараф қилиш, аҳолини қийнаб келадиган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг мурожаат ва таклифларини ўрганиш, кам таъминланган оилаларнинг ишсиз аъзолари ҳамда ёшларни иш билан таъминлаш, маҳаллаларда хизмат турларини жорий қилиш ва уларнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишишдан иборатдир.

Давлат раҳбарининг маҳаллабай ишлаш тизimini амалиётга жорий қилиш тўғрисидаги ташаббуси билан ҳудудлардаги муаммо ва ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш мақсадида Президент маслаҳатчиси ўринбосари Алишер Усманов ва Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков томонидан пойтахт туманларида сектор раҳбарлари, маҳаллаларга бириктирилган масъул вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида амалга ошириладиган ишлар сарҳисоб қилиниб, ободонлаштириш ишларини охирига етказиш, уларнинг сифатини ошириш борасида тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилмоқда.

Жумладан, Миробод тумани Юксалиш маҳалласидаги 263-умумтаълим мактаби биносида мазкур



йўналишда амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди. Унда Миробод туманининг 4 та сектор раҳбарлари маҳаллаларни ободонлаштириш юзасидан олиб борилган ишлари аҳоли, уларни белгиланган муддатларда якунига етказиш ҳамда бу мақсадларга йўналтирилган бюджет маблағларининг сарфланиши юзасидан ахборот берди.



Шу билан бирга йиғилишда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси вакиллари билан бириктирилган маҳаллалар қиёфасини янгилаш ҳамда аҳоли яшаш учун янада қулай шароитлар яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг туманнинг Зиё нур, Оқ уй ва Наврўз маҳаллаларида амалга ошириладиган кенг қамровли ободонлаштириш ишлари ўрганилди. Қайд этиш жоизки, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан Оқ уй маҳалласида мавжуд ўн битта икки қаватли уйнинг қиёфаси буткул ўзгартирилиб, том қисмлари янгилашиб, замонавий қоплама билан ёпилди, уйлар фасадлари ва кириш қисмлари тўлиқ таъмирланди, маҳаллада болалар ва спорт майдонлари қад ростлади, барча коммуникация тизимлари янгилашиб, ички йўллар асфальтлашга тайёрланмоқда.

Туманнинг Наврўз маҳалласида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан олиб бориладиган ободонлаштириш ишлари натижасида маҳалла том маънода обод масканга айланмоқда.

**Адлия полковниги
Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
биринчи ўринбосари**

САЙЁР УЧРАШУВ

ДАВРА СУҲБАТИ

Жанубий оператив қўмондонлиги ҳамда Термиз ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг мавжуд муаммоларини ўрганиш ҳамда бартараф этиш мақсадида Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмда очик мулоқот тарзидаги сайёр учрашув бўлиб ўтди.

МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Унда Жанубий оператив қўмондонлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда 20 га яқин давлат ва ташкилот вакиллари иштирок этди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари томонидан имтиёзли кредит асосидаги уй-жойларни олиш, ишга жойлашиш, болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш, хизмат жойини бошқа жойга кўчириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш, соғлиқни сақлаш ҳамда кредит масалалари бўйича мурожаатлар қилинди.

– Мен қандолатчилик йўналиши бўйича бир йилдан буён тадбиркорлик қилганман, – дейди ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи Нигора Холниёзова. – 6 ой олдин фаолиятимни янада ривожлантириш учун банкка 20 миллион сўм микроқарз сўраб мурожаат қилгандим. Ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилишига қарамасдан, уринишларим бесамар кетаётган эди. Сайёр қабул вақтида Термиз ҳарбий прокурорига мурожаат қилдим. Мазкур масала тез фурсатда ижобий ҳал бўлишини айтди. Бундан жуда хурсанд бўлдим.

– Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларидаги муаммоларни атрофлича ўрганишдан иборат, – дейди Термиз ҳарбий прокурори адлия подполковниги Шукр Тошматов. – Ҳар бир мурожаатнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ижобий ҳал бўлишига ҳаракат қиламиз.

Сайёр қабул вақтида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус бўйича тренинглар ташкил этилди. Китоб муталааси, спортнинг қўл жанги, бокс, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ҳамда кўнгилочар ўйинлар болаларга олам-олам кувонч бағишлади.

**Сарвиноз ҚУРБОНОВА,
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси**



ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАЛАР ЕТКАЗИЛДИ

Фарғона ҳарбий суди ташаббуси билан вилоят бўйича Миллий гвардия бошқармасида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асослари» ҳамда «Қуролли Кучлар тизимида ошган жиноятчиликнинг ҳуқуқий таҳлили» мавзуларида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси С. Эшанкулов, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ш. Абдуллаев, Фарғона ҳарбий прокурори адлия полковниги Ш. Саидов ҳамда Миллий гвардия бошқармаси бошлиғи полковник Ш. Акбаров иштирок этиб, кун тартибида қайд этилган масалалар юзасидан маълумотлар бериб ўтди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси С. Эшанкулов «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асослари» мавзусида маъруза қилар экан, «диний экстремизм» ва «терроризм» тушунчалари, ушбу жиноятларга қарши курашиш ҳамда улар содир этилишининг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, мазкур жиноятларни содир этганлик учун Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноий жавобгарлик турлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Фарғона ҳарбий судининг раиси ҳам маъруза қилиб, Қуролли Кучлар тизимида, хусусан, Шарқий ҳарбий округда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда содир этилган коррупцияга оид жиноятчиликнинг таҳлили ва уларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Давра суҳбатида Фарғона гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда Миллий гвардия бошқармасининг шахсий таркиби иштирок этиб, кун тартибидаги мавзулар бўйича қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Ш. ДЎСАЛИЕВ,
Фарғона ҳарбий судининг раиси**



КЎЗГУ

«БИР ГАЗЕТАНИ ҲУКУМАТ ЁПСА, ИККИНЧИ ИСМДА...»

Ўзбек матбуоти пайдо бўлиши тарихидан



«...бугун Оврупо ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бўлаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолга, бир маданиятга етишдилар. Сўнгралари Оврупо халқи маориф ва маданият йўлида ишлади, бу ҳолго етишди; биз тушдик, ухладик, бу ҳолга етушдик. Бугунгача Оврупо халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овруполилар денгиз остида сузар экан, бизда узун ва қисқа кийим жанжаллари, Оврупо шаҳарлари бутун электрик билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жуғрофия ва табиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари... давом этади».

Миллат ойдини, маърифатпарвари, жадидларнинг ёрқин сий-моларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов «Туркистон» газетасининг 1923 йил 4 март сонидан эълон қилган «Нашри маориф» уюшмасининг аҳамияти» номли мақоласидан олинган бу жумлалар Туркистонда истибдодга қарши кураш ва маориф масалалари XX аср бошларида қай аҳволда эканлигини билдириш билан бирга, ўзбек матбуотининг пайдо бўлиши, маслаги ва қандай яшаб қолганлигини ҳам ўзида намоён қилади:

«Чор ҳукуматининг полит-сиялари, охранныя отделениялари бундай маданий ишларда ерлик халққа очик йўл бермади. Бир томондан очилса, иккинчи томондан ёпа берди. Шундай бўлса ҳам, ул замоннинг ёшлари, тараққийпарварлари ўз мақсад ва маслакларидан собит қадам бўлдилар, бир газетани ҳукумат ёпса, иккинчи исмда, бунга ёпса, учинчи исмда газета чиқариб турдилар. Жамият ва мактабларнинг ҳам бирини ёпса, иккинчисини очиб, бирини қисса, иккинчисини кенгайтириб туришдан тўхтамадилар».

1878 йил Тошкентнинг Дархон маҳалласида мударрис Абдурашидхон хонадонидан туғилган Мунаввар қори Абдурашидхонов илк саводни онаси Хосиятхон отиндан олган эди. Даставвал «Юнусхон» мадрасасида, кейинчалик Бухородаги нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқиган Мунаввар қори 1901 йил Тошкентда биринчилардан бўлиб жадид мактабини очди. Дунёвий ва диний фанлар бўйича кўплаб дарсликлар, қўлланмалар яратди ва бу китоблар салкам 20 йил давомида 9-10 мартагача қайта-қайта нашр этилди.

Туркистонда маорифни юксалтириш ва шу йўл орқалигина миллатни зулмдан қутқариб, ойдин, ёруғ йўлларга чиқаришни ният қилган Мунаввар қори шундай ёзади:

«Туркистоннинг ҳаёти, Туркистоннинг нажоти ёлғиз маорифга ва маданиятнинг тараққийси эса бутун халқнинг «Нашри маориф» уюшмалари атрофига тўпланмоғига боғлиқдир. Шундагина биз маданий миллатлар қаторига кира оламиз, шундагина маданият дунёсида ўз ҳуқуқимизни ола оламиз».

Бутун куч-қувватини, мол-дунёсини маърифатга бахшида этган аллома ўзбек матбуотининг майдонга чиқишида ҳам фаол бўлди. Бу ҳақда «сўнги жадид» рутбасини олган филология фанлари доктори Беғали Қосимов «у ўзбек матбуотининг дастлабки намунаси – 1906 йилда чиққан «Тараққий» газетасининг ташкилотчиларидан ва муаллифларидан бири эди», деб ёзади. «Тараққий» газетасининг

биринчи сони 1906 йил 27 июнда чоп этилган эди. Бу сана Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин расман «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» этиб белгиланди.

«1904 йилдан ижтимоий ҳаракатга аралаша бошлаган» Мунаввар қори Абдурашидхонов бири 1905 йил икки ой, иккинчиси 1906 йил 20 та сони чоп этилган «Ўрта Осиёнинг умргузаронлиги» ва «Тараққий» газеталари ёпилган, 1906 йилда ўз газети «Хуршид»ни ташкил этади. У рус, араб,

форс ҳамда усмонли тилларини яхши билгани учун Боғчасарой, Қозон, Оренбург, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистондан келувчи «Таржумон», «Вақт», «Шўро», «Юлдуз», «Сироти мустақим», «Хаблул матн» ва бошқа муваққат матбуот нусхаларини олиб ўқир, уларда кўтарилган масалаларни маслакдошлари билан таҳлил этарди.

Мунаввар қори матбуотни катта куч, деб биларди, шунинг учун ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлари фаолият йўналишларининг асосини ташкил этади, десак, хато қилмаган бўламиз. «Хуршид» газетаси ана шу интилишлар натижаси ўлароқ дунёга келади. Бу газета ижтимоий руҳи ва йўналиши билан чор ҳукумати маъмуриятини анчагина талвасага солади. Шу боис тезда ёпиб қўйилади. Охранканинг Мунаввар қори ёзган ҳар бир китоб, ваъз, мақолани таҳлил этиб боришдан ўзга чораси қолмайди.

«Хуршид» газетасининг фаол муаллифларидан бири Қўқон хони Худоёрхоннинг ўғли Фансуруллобек эди. Газетанинг 2-сонидаги «Сабаби тулуъий хуршид» номли мақолада Фансуруллобек Худоёрхон газетанинг мақсад-муддаоси ҳақида шундай ёзади:

«Дунёдаги мусулмонларни бир-бирлари билан таништириб туради. Янги мактаб ва мадраса ислоҳи йўлида уринади ва уларга раҳбарлик қилади. Бу «Хуршид», китобларни ислоҳ қилайлик, иттифоқ тузайлик, бутун турк миллатларининг тилини бирлаштирайлик, шариат йўлидан чиқмайлик».

Николай Остроумов 1908 йилнинг февраль ойида Туркистон генерал-губернаторига махфий хат йўллаб, «Шухрат» газетасига чаласавод мулла Абдулла Авлоний муҳаррирлик қилади; унда собиқ «Хуршид» газетасининг ношири чаласавод олим Мунаввархон Абдурашидхонов ходим бўлиб ишлайди. Уларга рус, ҳатто француз тилини биладиган номаълум татар ёрдам беради», деб чақимчилик қилади.

«Хуршид», «Шухрат», «Осиё» ва бошқа газеталар ёпилса-да, Мунаввар қори матбуот соҳасидаги фаолиятини асло сусайтирмайди. «Замоннинг ёшлари, тараққийпарварлари собит қадам бўлдилар», «ҳукуматнинг қувиш ва сиқишлари улрни умидсизлантормади», балки «ҳеч мумкин бўлмагон бир замонда» нашр этаётган газеталарининг адади 4 минг нусхага қадар етди ва сотилди.

У Туркистон мухториятининг биринчи ҳарбий ношири, илк ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев билан бирга «Садойи Туркистон» газетасини ташкил этади. «Садойи Туркистон»нинг Мунаввар қори Абдурашидхонов билан бирга ишлаган ижодий жамоаси қуйидагилар эди: Убайдулла Хўжаев – ношир ва бош муҳаррир, Абдулла Авлоний – муҳаррир, Тўлаган Хўжамёров (Тавалло) – муҳаррир, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон – аввал курьер, кейин Андижон бўйича мухбир, Абдурауф Музаффарзода – сайёр мухбир, Мирмуҳсин Шермухамедов – мухбир, Шокиржон Раҳимий – мухбир, Нўширавон Ёвушев – сайёр мухбир. Тарихий манбалар газета ижодий жамоасининг ҳар бири улуғ бир мақсадга жонини тиккан аллома ва маърифатпарвар бўлганлигини исбот этади.

Мунаввар қори маориф ва маданият душманларини «қоринпарастлар», «мутаассиблар» деб атади. Чўқур қайғу ва афсуслар билан «Эски Тошкент маориф шўъбасининг сўнги олғон ҳисоби бўйинча, бутун янги мактаб шогирдлари 4000 тўлмагон ҳолда эски мактаб ва қозихоналарда 7000 қадар миллат боласининг эзилиб ётқонлиги кўринадир», деб ёзади.

Бу улуғ инсон 1919 йилда «Иттиҳод ва тараққий»нинг Туркистон бўйича ўтган қурултойида ташкил этилган «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Марказий Қўмитасига раис этиб сайланади. Ташкилотнинг бош мафкурачиси ва раҳбари сифатида аввало турли соҳаларда миллий кадрларни тайёрлаш масаласини ўртага қўяди. Миллий давлатни қуриш ва бошқариш ҳамда муҳофаза қилиш учун мактабларда ҳарбий таълим берадиган гуруҳлар тузишни режалаштиради. 1918 йилда бундай гуруҳлардан бир нечтаси тузилади. Матбуотда берилган расмий маълумотга кўра, Саид Аҳрорий раҳбарлигида «Изчи», Ҳайдар Шавқий раҳбарлигида «Темур», С. Рожий раҳбарлигида «Турк кучи», Тангрикул Мақсудий раҳбарлигида «Турон кучи» ва уларнинг «Лочин», «Боту» каби қўллари, яъни филиаллари ташкил қилинади.

Ўзбекистонда матбуотнинг пайдо бўлишида жонбозлик кўрсатган фидойиларнинг маслаги хуррият ва Туркистонни тараққий этган мамлакатлар қаторида кўриш эди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий... улар матбуотни халқни уйғотувчи ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўстириб, миллат сифатида шакллантирувчи омил, деб билган эдилар.

Фурқат ЭРГАШЕВ

«ҚЎҚОНИЙ» – ЮЗ ЙИЛДА БИР ЯСАЛУВЧИ ҚИЛИЧ

«Хааа, ноёб жавҳар, – дейди уста ўзига ўзи, – уни Дамашқу Исфахон қиличларига алишмасман. Мингтадан битта қиличгина шундай чиқиши мумкин. Нега бундай, фақат Аллоҳга аён...»

Узоқ асрлардан буён не-не баҳодирларнинг асосий жанг қуроли бўлиб келган қилич ҳанузгача ўз оҳорини тўкмай келаётир. Бу тўғли қурол ҳақида биринчи бор Ўрхун-Энасой битикларида қайд этилган бўлиб, у дастлаб ханжарсимон, учи ўткир, икки тўғли қилиб ясалган.

Қилич дастасидан ушлаганда қўл тўғ томонга ўтиб кетмаслиги учун даста билан тўғ ажратиб қўйилган. Қиличнинг қадимги турлари суяқдан ясалган, сиртига чақмоқтошлар қопланган ва у фақат санчиш учун яроқли бўлган. Кейинчалик жез ва темирдан тайёрланган қилич ҳам санчиш, ҳам чопиш учун хизмат қилган.

VI-VII асрларда Шарқ мамлакатларида бир томонлама тўғли эгри қилич ясалган. Унинг узунлиги 80-90 см, эни 3-3,5 см бўлиб, қинда сақланган. Маъданга ишлов беришнинг ривожланиши натижасида қилич сифати ҳам ошиб борган. Шарқ давлатларида Дамашқ пўлатидан ишланган қилич, Исфахон қиличи шўхрат қозонган.

Ўрта Осиёда эса Самарқанд, Ўструшон, Ахсикент қиличлари, хонлик даврига келиб эса Қўқон қиличлари машҳур бўлган. Хукмдорлар, лашкарбошилар, беклар ва баҳодирлар учун ясалган қиличлар олтин, қумуш ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган.

Муттасил урушлар бўлиб турган хонликларда қиличнинг бозори касод бўлмаган. Хонлар архив ҳужжатларида Мулло Алихўжа Шамширгар, Уста Тошмуҳаммад Тошфўлод ўғли, Муҳаммадназар Қиличсоз, Уста Бобохон Тўраҳон Шамширгар ўғли, «Қиличсоз Пирим» нисбали Мулло Ҳусайнхон бинни Орифхон Қиличсоз каби усталарнинг номлари қайд этиб ўтилган.

Қиличсоз Пиримнинг чеваралари марҳум Темирхон ака қиличсозлик касб сифатида йўқ бўлиб кетганлиги туфайли боболар касбини давом эттира олмай катта ошпаз бўлиб етишганлар. У киши билан жуда кўп вақт суҳбатда бўлганмизки, қиличсозлик ҳақида айтиб берганлари хотирамизда муҳрланиб қолган.

Хўқандда қиличсозлик қадимдан тараққий этган бўлиб, ҳатто усталаримиз «Қўқоний» деган қилич турини ихтиро қилган эканлар. Бу қилични тайёрлашни бир неча нафар

усталаргина, шу жумладан, Қиличсоз Пирим билишар ҳамда фақат хон, бек ва лашкарбошиларнинг буюртмаси билангина тайёрлашар экан.

Биз раҳматли Темирхон ака билан суҳбатлашиб юрган чоғимизда ёш ўспирин эдик. У киши «Қўқоний» қиличини тайёрлаш жараёни ҳақида баъзи маълумотларни айтиб берган эдилар.

Қилични дунёга келтириш қўйма тайёрлашдан бошланади. Ўчоқ, яъни қўрага олдин тутантириқ ва писта кўмир солиниб, унинг устига гилватадан тайёрланган бўталар (қолиплар) териб чиқилади. Қолиплар устидан уч хисса темир, бир хисса чўян солинади, унинг устидан яна писта кўмир солиниб, қиличсоз уста дуо ўқиб, олов ёқади. Мўрининг сурма қопқоқ билан очиб-беркитиладиган тешигидан ташқари барча тешик-тирқишлар беркитилади. Дамгар шогирдлар қўра-ўчоқнинг икки биқинига ўрнатилган дамларни бир маромда босиб, ўчоққа дам (ҳаво) берадилар. Писта кўмир гувиллаб ёниб, чўян ва темирни эрита бошлайди. Бироқ оловга ҳушёр бўлиб

туриш лозим. Чўян биринчи бўлиб эрийди ва суюлиб оқа бошлайди. Аммо темирнинг охиригача эришига йўл қўймаслик, у бўшроқ ҳамир ҳолатига келганда эриш жараёнини тўхтатиш керак. Шундай қилинса, темир чўян билан бирикиб, худди икки хил ёғдек омихта бўлиб кета олмайди, балки дондун каби аралашади холос.

Ана шу тариқа Дамашқ пўлатига ўхшаган пўлат ҳосил бўлади: қаттиқлик ва кескирликни чўяндан, елимшаклик, қайишқоқлик ва тарангликни темирдан олади. Қотган пайтида ҳам пўлат таркибидаги чўян ва темир турли тусда товланиб, ажойиб гўзаллик ҳосил қилади. Оловни қачон тўхтатиш керак? Бу дамни ўз вақтида илғаш осон эмас. Уни сўз билан ифодалаб, қўл билан пайпаслаб билиб бўлмайди. Буни фақат ички туйғу билан илғаш мумкин. Бу туйғу эса узоқ йиллик тинимсиз меҳнат, тажриба орқали шаклланади. Тайёр бўлган қуюқ атала ҳолатидаги пўлат ниши кесилган тухум шаклидаги, бўйи икки мушт, эни бир мушт ҳажмдаги қолипларга (бўталарга) оқиб кириб қўйма ҳосил қилади.

Қўймалар бир кун мобайнида совиб, қолади. Эртаси кун уста халфа ва шогирдлари билан қилич ясашга киришади. Кечаги қўймалар совиш асносида кичрайганлиги учун қолипдан осонгина чиқади. Битта қўйманинг оғирлиги салкам икки қадоқ келади: битта ўртача қиличнинг оғирлиги шунча бўлади. Оддий қилич тайёрлайдиган қиличсоз усталар ҳалиги тухумсимон чўзинчоқ қўймани олдин ўчоқдаги чўғга бир-бир қиздириб олиб, ёни билан сандонга қўйиб, болғалаб қилич шаклига келтирадилар.

Аммо «Қўқоний» қилич бутунлай бошқача йўл билан тайёрланади: қўймани сандонга тикка ҳолда қўйиб, болғалаб, ўртача чарчтовоқ катталигидаги, қалинлиги бир ярим энлик лаппак ҳолига келтирилади. Сўнгра ушбу лаппакни уюрма (спирал) шаклида кесиб, тасма ҳолатига келтирилади. Тасмани бир маромда болғалаш йўли билан қилич ҳолига келтирила бошлайди. Мана, тасманинг бир томонини тўмтоқ ҳолатда қолдириб, бир томонидан тўғ очилди, бир томонини бироз





қайриб, ундан қиличнинг учи, қарама-қарши томонидан эса соп чиқарилди. Яхши қиличнинг узунлиги уч ярим қарич, яъни 84 сантиметрдан кам бўлмадлиги, кенглиги уч ярим-тўрт энлик бўлиши керак. Қилич зарби сирғанувчан, кескир бўлиши учун учи бироз орқага эгилади.

Эртаси куни қиличлар тобланади ва уларга сайқал берилади. Лекин ҳали қилич тайёр эмас. Аччиқ (*кислота*) ҳамда бошқа кимёвий моддалар ёрдамида қиличнинг ўзидан нақш чиқариш керак. Бу жараён қиличсозлар тилида «аччиғлаш» деб аталади. Бошқа бир куни эса шогирд ва халфаларнинг бир қисми қўрага олов қалайди, бошқа бир қисми «бўтана атала», шогирдлар тилида эса «ҳолвайтар» деб айтиладиган қоришма тайёрлашга киришади. Ўчоққа катта мис қозон ўрнатилиб, сув солиб қайнатилади. Вақиллаб қайнаб турган сувга олдин майда қилиб қириб ушатилган ёғли гилвата солинади ва яхшилаб кавлаб аралаштирилади. Сўнгра молнинг янги тезаги, туз ва куйдирилган ҳамир соладилар. Бўтана тайёр бўлгунча халфалардан бири оқ Мўлтон тўтиёсидан атала тайёрлаб, катта ёшли шогирдлар билан қиличларга суртиб чиқади. Қиличда пайдо бўладиган, «жавҳар» деб айтиладиган нақшни оловдан ҳимоя қилиш учун қилич сиртини бояги қозонда пиширилган бўтана атала билан қоплаб чиқиш керак бўлади. Шогирдлар қўлларини куйдира-қуйдира чўмич билан «ҳолвайтар»ни қозондан олиб, қиличлар сиртига бир текисда қуйиб чиқадилар. Жигарранг, бадбўй атала билан қопланган қиличлар қўрага солиниб, олов кучайтирилади. Дамгир шогирдлар бир текисда дам уриб турадилар. Бироз вақт ўтгач, уста бир қўли билан юзини тўсиб, қўрага яқин бориб, қиличларни кўздан кечирилади. Ана, жигарранг қобиқ олов таъсирида қизариб, қотиб, ёрилиб, қатқалоққа айланиб, ёриқлардан буғ сизиб чиқа бошлайди. Уста сув келтиришни буюради. Шогирдлар катта сопол тоғорада сув олиб келадилар. Уста охириги марта қиличларга кўз югуртириб, яна бир тоғора сув олиб келиш ҳамда дам уришни тўхтатишни буюради. Халфалардан бири қўлига узун қисқич – омбир олиб, қиличларни қўрадан чиқариб, пастак ёғоч харрак устига териб қўяди. Уста қўлига чўмич олиб, эҳтиёткорлик билан қиличлар устидан сув қуяди. Сув харрак остига оқиб тушади. Қиличлар вишиллаб пишқири бошлайди, усти буғ булути билан қопланади. Қилич юзасидаги қатқалоқлар ёрилиб, палахса-палахса бўлиб кўчиб тушади. Қиличнинг пишқириши ва ўшқиришига қарамай, уста уларни ағдариб, устидан сув қуйишда давом этади. Қиличлар аста-секин ҳолдан тойиб, тинчланиб, совий бошлайди.

Ниҳоят, қиличлар ҳали бутунлай совиб улгурмасдан, уста ёғлама бўлиб, қорайиб кетган саҳтиён чармдан бирини халфага бериб, бирини ўзи олади-да, ҳали иссиғи кетиб улгурмаган қиличлардан бирини қўлига олиб, ёрилиб, кўчиб қолган пўстларини қоқиб тушириб, қилич юзасини меҳр билан артиб-сийпалаб жилолай бошлайди.

Кўп ўтмай халфа бирданига энтиқиб, кўзлари чакнаб, қўллари титраб кетди. Ҳамма шогирдлар унинг атрофига тўпланади. Уста қилични қўлига олди-да, маъдандаги беқиёс гўзалликка маҳлиё бўлиб қолди: қиличнинг товланиб, мавжланиб турган зангортоб сатҳи дастага яқинлашган сари қирмизи тус олиб боради. Бу ранглар ўйинию товланишлар жавҳар деб айтилади. Лекин бу оддий жавҳар эмас эди. Зангортоб сатҳ узра гўё чумоли йўллари янглиғ эшилиб, тўлғаниб нуқра – оқ холчалар қаёқларгадир югуриб кетиб борадилар.

«Ҳааа, ноёб жавҳар, – дейди уста ўзига ўзи, – уни Дамашку Исфакон қиличларига алишмасман. Мингтадан битта қиличгина шундай чиқиши мумкин. Нега бундай, фақат Аллоҳга аён...»

Яҳёхон ДАДАБОЕВ,
Қўқон давлат музейи
қўриқхонаси илмий ходими

ТАРИХ

ЎЗ ДАВРИНИНГ БЕТАКРОР ҚУРОЛЛАРИ



ТАХШ – ЎРТА АСРЛАРНИНГ ҚИРҒИН ҚУРОЛИ

Тахш – Ғарбий Европа қуролидан бўлмиш арбалетга ўхшаб кетадиган ярим автомат қурол. Отаси камон, онаси милтиқ. Илк ўрта асрлар қуролсозлигининг энг мукамал намунаси, мукамаллаштирилган камон. Мураккаб камонни ҳар қанча чўзиб тортганда ҳам унинг ўқи нари борса 800-900 метрга етган. Шунингдек, ўқнинг ҳаводаги парвози асносида зарби ҳам камайган. Бу ҳол ўша давр овчилари ва ҳарбийларини қониқтирмаган. Қуролсозлар доимо изланишда бўлиб, янада мукамалроқ, зарби кучлироқ камон яратишга ҳаракат қилдилар. Ниҳоят, усталарнинг бир неча авлоди алмашиб кетгач, босқичма-босқич янги қурол яратилди. Улар камонни ёғоч асосга (*дастгоҳ*, *ёхуд қўндокқа*) ўрнатиб, тиркашни (*камон ипини*) пишанг (*ричаг*) билан таранг тортиб, тепки илгагига илиб қўядиган қилдилар. Ўқни эса камон ўқиға нисбатан калтароқ қилиб ясадилар. Бу асбобдан фойдаланиш қуйидагича бўлган: ўқ қўндок устига ўйилган ариқчага солиб, патли томонини тиркашга кийдириб, пишанг билан тортиб, тиркаш тепки илгагига илиб қўйилади. Тепки босилгач, илгак тиркашни қўйиб юборади ва ўқ кучли зарба билан отилиб, нишон томон учиб кетади. Тахшдан отилган ўқ совут ёки қалқонни ҳам тешиб ўта олиш қудратига эга бўлган. Шу туфайли тахш қирғин қуроли мақомини олди.

АЁЛЛАР ЎЗ СОЧЛАРИНИ МАНЖАНИҚ ТАЙЁРЛАШ УЧУН КЕСИБ БЕРГАНЛАР...

Манжаниқ – тошотар ҳарбий қурилма. Эшилган пай, ичак, соч толаси ёки жуннинг эгилувчанлик кучи остида ҳаракатга келтирилган. Асосан қалъа ва қўрғонларни камал қилишда қўлланилган. Манжаниқ ёрдамида камалдагиларга қарата тош ядролар ирғитилган. Тош топилмаган тақдирда ёғоч ғўлалари, кунда ва тўнгалардан фойдаланилган. Манжаниқдан отилган «ўқ» – тош, кунда ва тўнгалар бир неча юз метрга бориб тушган. Манжаниқ қалъа, қўрғон деворларини бузиш, раҳна очиш ёки биноларни яксон қилиш, шунингдек, камалдагиларни ёки қалъага ҳужум қилаётганларга қирон келтириш учун ҳам мўлжалланган.

Қадимги урушлар хотираларида баён этилишича, бир шаҳарни душман узоқ камал қилган. Душман жанглари асносида ёниб турган ўқлар отиб, қалъа манжаниқларини ҳам ёндириб юборган. Усталар янги манжаниқлар ясаганлар, аммо унинг тиркаши учун пай, ичак ёки бошқа нарса топа олмаганлар. Шунда ҳукмдорнинг хотини – малика ўз сочини кесиб берган. Ундан ибрат олиб бошқа аёллар ҳам ўз сочларини ман-

жаниқ тайёрлаш учун кесиб берганлар. Манжаниқнинг турлари ва номлари бир талай: Аррода – кичик манжаниқ; Арусак – кичик манжаниқ;

Балкан – қалъага тош отадиган манжаниқ; Ялкан – қалъадан душман томон отувчи манжаниқ; Кушканхар – катта тош отиб деворни яксон қиладиган манжаниқ. Ўрта Осиёда XV-XVI асрлардан эътиборан ўт сочиш қуроллари: тўп-тўфанларнинг қатор турлари қуролланишдан муҳим ўрин эгаллаши сабабли манжаниқдан аста-секин воз кечилган.

ПАЛАХМОН – ИСТЕҲКОМЛАРНИНГ АШАДДИЙ КУШАНДАСИ


Палахмон – қадимий тошотар қурол, манжаниқдан анча кичик, у билан сопқоннинг ўртасидаги бир нарса. Қадимда ва ўрта асрларда тош ва бундук (*темир ядро*)ларни душман томон ирғитадиган махсус қурол. Палахмоннинг каттаси аксарият мудофаа истеҳкомларини, хусусан, қалъа деворларини бузиш, кичикроғи душманнинг жонли кучини қириб ташлаш, йирик ҳайвонларни овлаш мақсадида қўлланилган. Араб тилида «Фаллохун» деб аталган. Палахмоннинг «Миқлоъ», «Фалосанг» ва «Гўт» деган турлари ҳам бор. Яна бир тури «Харроқа» деб айтилади. У душман устига ёндирувчи модда отишга мослаштирилган. Чунончи, бўғзи тор, таги учли қилиб ишланган «Қорура» деб айтиладиган сопол идишга нефть солиб, нефтни пилик воситасида ёқиб, харроқага солиб отганлар. Ўт сочиш қуроллари, жумладан, тўпнинг қуролланиш тизимига кириб келиши палахмондан фойдаланишга чек қўйган.



Б. ЭЛМУРОДОВ тайёрлади.

Руи Гонсалес де Клавихо

«САМАРҚАНДГА, ТЕМУР САРОЙИГА САЁҲАТ КУНДАЛИГИ. 1403 — 1406 ЙИЛЛАР»



(Боши газетанинг ўтган сонларида)

Ҳиндистонга қарши юриш ҳикояси

Ҳиндистоннинг асосий шаҳарларидан бири Деҳлида Ҳиндистон подшоҳи ва Темурбек ўртасида жуда катта жанг бўлиб ўтган экан. Бу урушга Ҳиндистон подшоҳи кўп сонли қўшини ва элликта жангчи филини сафарбар қилган. Бизда бу филларни «мор-филлар» дейишади.

Биринчи жангга Ҳиндистон подшоҳи шу филлар туфайли Темурбек устидан ғалаба қозонган. Шундан кейин Темурбек ўз аскарларига бир қанча туяларнинг устига сомон-хашакларни ортиб боғлашни буюради. Эртаси куни жанг бошланишидан аввал соҳибқирон туяларни қўйиб юборишни ва улар филларга яқинлашганда устидаги сомонни ёқишни айтади. Филлар ёнаётган туяларни кўргач, ҳаммаси ҳар тарафга қочади.

Шу тарзда Темурбек Ҳиндистон устидан ғалаба қозониб, салтанатига чегарадош ерларни эгаллаб олди. Ҳиндистоннинг кўпгина ерлари ўнқир-чўнқир тоғлардан иборат, шаҳар ва қишлоқ ерлари ҳосилдор эди. Ҳиндистон подшоҳи мағлуб бўлгандан сўнг қолган аскарлари билан тоққа қочиб, қўшин йиға бошлади. Темурбек кутиб ўтирмасдан аскарлари билан унинг устига юриш қилди. Ҳиндистон подшоҳи жанг қилмади. Ўша вақтда қўлга киритилган бу ерларни набираси Пирмуҳаммад то Ормузо шаҳригача эгаллаб турибди. Шундай бўлса-да, Ҳиндистоннинг зўр ва катта қисми ўз подшоси қўлида қолди. Бу жангга ўн бир йил бўлган экан, лекин шу пайтгача Темурбек ва унинг набираси ҳам Ҳиндистоннинг ичкарасига юриш қилмаган.

Миллий ўйинлар. Темурбекнинг завжсалафи

Элчиларни чодирдан олиб чиқиб, аввал ўтирган айвонга ўтказишди ва кун ярмигача соҳибқироннинг чодирдан чиқишини кутишди. Соҳибқирон кун яримлаганда базм майдонига келиб ўтирди. Атрофига яқинларини, меҳмонлари ва элчиларни чорлади. Худди аввалгидек, ҳамма соҳибқирон атрофида ўз ўрнини билиб ўтирди. Шу куни филларни қизил ва яшил рангга бўяб, улар билан жуда кўп томошалар кўрсатишди. Бу томошалар ва дўмбиранинг садоларидан шундай шовқин-сурон кўтарилдики, ҳайрон қолдик.

Соҳибқирон ўтирган майдончада кўплаб созандалар йиғилганди. Уларнинг ёнида иккита катта думалоқ идишдаги от сутини хизматкорлар қўлларидан таёқлар билан аралаштириб, ичига оқ қанд бўлақларини ташлаб туришарди. Буни улар шу заҳоти ичиш учун қилишарди.

Ҳамма ўз жойини эгаллагач, чодирларнинг биридан соҳибқироннинг катта завжаси Биби-хоним чиқиб келди. У қизил матодан, тилла иплар билан жуда кенг тикилган узун кўйлақда эди. Кўйлагининг узунлиги шу даражада эдики, унинг ортидан ўн бешга яқин канизак

кузатиб келди. Хонимнинг юзига оппоқ упа сурилган, шунинг учунми юзи узоқдан худди оқ қоғоз каби кўринар эди. Бу упа қуёшдан сақланиш учун экан. Биби-хонимнинг юзи юпқа, нозик оқ мато билан тўсилган, қимматбаҳо дуру гавҳарлар билан безатилган узун бош кийими қизил матодан, ундан елкасигача юпқа мато тушиб турибди. Сочлари тим қора, елкасига тушган. Бу хотинлар сочларининг қора рангга бўлиши-ни ёқтиришар ва баъзида қора рангга бўяшар экан. Биби-хонимнинг ёнида яна бир одам қўлидаги соябон билан уни қуёшдан тўсиб келарди. Соябон ипак оқ матодан, худди чодирга ўхшаш думалоқ шаклда.

Биби-хоним майдончага келиб, тўрига ўтди ва соҳибқироннинг ёнига ўтирди. Уни кузатиб келган аёллар ташқарида қолди. Биби-хоним ўз жойига ўтиргач, соҳибқироннинг бошқа бир завжаси у ҳам қизил либосда, узун бош кийимда, дабдаба билан қизлар куршовида чиқиб келди ва катта завжадан бироз пастроқдан жой эгаллади. Кейинги чодирдан чиқиб келган яна бир завжа даврага яқинлашиб, қўйироқда ўтирди. Шу тарзда тўққиз аёл бирин-кетин ўз жойларини эгаллади. Уларнинг ҳаммаси бир хил кийинган ва бир хил ясанган эди. Улардан саккиз нафари Темурбекнинг хотини, биттаси набирасининг завжаси эди.

Муҳаммад Султоннинг маърақаси

Ўттинчи октябрь пайшанба куни соҳибқирон ўрдадан чиқиб, набираси Муҳаммад султон Мирзо дафн қилинган масжид-мақбарага келиб тўхтади. Соҳибқироннинг севики бу набираси Темурбек турклар устидан ғалаба қозонганда турк султонини асирга олган ва кейинроқ ўша жойда касаллик туфайли вафот этган эди. Соҳибқирон набирасининг руҳини шод этиш мақсадида маърақа уюштириб, унга элчиларни ҳам таклиф қилди. Масжид-мақбаранинг гумбази баланд, ичи ва сирти, деворларига тилла суви юргизилиб, нақшлар солинган.

Муҳаммад Султон Мирзо Туркияда вафот этгандан сўнг соҳибқирон унинг жасадини Самарқандга жўнатиб, набираси учун масжид-мақбара қуришни амр этган. Самарқандга қайтганида мақбаранинг паст қурилганини кўриб, кўнгли тўлмай, уни бузиб, ўн кун ичида янгисини қуришни буюрди. Қурилиш ишларини жиддий назорат остига олди. Кечаю кундуз давом этган қурилишни кузатиш учун соҳибқиронни отда юра олманлиги сабабли кўтариб олиб келишарди. Шундай қилиб, бундай улуғвор мақбара қисқа вақтда, ўн кунда қуриб битказилди.

Маърақага кўп одам йиғилди. Одат бўйича гўштли таомлардан тарқатилди. Йиғин тугаганидан кейин соҳибқироннинг яқинларидан

бири Шоҳмалик Мирзо элчиларни бу ердан олиб кетди, сарпо-тўнлар кийгизди, бошларига кийиш учун салла берди. Шу билан бирга уларга бир ярим минг кумуш танга солинган бир қоп тангани ҳам тақдим қилди. Кумуш уларнинг пули бўлиб, ҳар бир танга икки кумуш

реалга тенг келарди. Шундан сўнг элчилар яна соҳибқироннинг олдига қайтиб, одатга кўра таъзим қилишди. Соҳибқирон уларга бошқа кун келишларини, шунда улар билан суҳбат қуриб, ўғли – Кастилия қиролининг олдига шундай яхши кунларда кузатиб қўйишини айтди.

Савдо расмаларининг қурилиши

Самарқанд шаҳри ҳақида кўп қайғурган соҳибқирон янги қурилишни бошлаб юборди. Бу шаҳарга ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон (Дашти қипчоқ) ва бошқа мамлакатлардан турли моллар келтирилади. Самарқанд – ўта бой шаҳар. Шаҳарда савдо-сотик қилиш учун қулайлик бўлмагани сабабли сенъор (Темурбек) шаҳардан катта кўча ўтказиш ва унинг икки тарафига дўконлар қуришни буюрди. Кўчанинг боши шаҳарнинг бу четида бўлиб, охири унинг нариги тарафига етиши керак эди. Иш бошига ўзининг икки амирини қўйди ва дедик, агар улар бу ишда саъй-ҳаракат кўрсатмасалар ва кеча-кундуз ишламасалар, бошларидан айриладилар. Кўчани жуда кенг қурдилар. Икки тарафига дўконлар ва уларнинг олдига оқ мармар билан қопланган олий ўриндиқлар бино қилдилар. Кўчанинг тепасини том билан беркитиб, унга туйнуқлар ўрнатдилар. Йигирма кун деганда шунчалик катта иш қилиндики, ҳайрон қоласан, киши.

Соҳибқироннинг буйруғи билан Биби-хонимнинг онаси номига қурилган масжид шаҳарнинг гўзал биноларидан бири эди. Хўкмдор шаҳарга қайтганида қурилиш тугаганди. Масжиднинг олд девори пастроқлигидан кўнгли тўлмай, уни буздирди. Унинг ҳукми билан девор атрофида иккита чуқур хандақ қазилиб, бинонинг пой-девори бошқатдан мустаҳкамлана бошланди. Бир тарафда соҳибқироннинг ўзи қурилишни назорат қилди. Иккинчи тарафни назорат қилишни яқин одамларига айтди. Соҳибқирон бу вақтда юра олмасди, кўтариб олиб юришарди. Уни ҳар куни бу ерга олиб келишар, у усталарга қурилишни тезлаштиришни ва улар учун қайнатилган гўшт олиб келтириб, хандақ ичида ишлаётганларга ташлашни, баъзида танга пулларни ташлашни буюрарди. Айрим ҳолларда усталар ва уларнинг ёрдамчиларига гўштни ўз қўллари билан ташларди. Шу йўсин қурилиш кечаю кундуз давом этарди.

Бу қурилиш ва кўчаларнинг тикланиши қор ёғаётганлиги туфайли тўхтатилди.

(Давоми бор)

Испан тилидан Улугбек ЖўРАЕВ таржимаси

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ



СЎНГГИ УМИД

(воқеий ҳикоя)

Катта шаҳардаги чоғроққина ҳовли. Уйлар замонавий таъмирланган бўлса-да, катта усталарнинг қўли теккан ота-мерос хонадон эканлиги кўриниб турарди. Тўрт аёлу бир қизалоқни бағрига олган бу гўша неча йиллардан буён эркак нафасини туймаган. Хонадон бошлиғи Шокарим ака Иккинчи жаҳон урушининг илк кунларида фронтга отланибдики шундай. Севимли аёли ва икки норасидасини Аллоҳга омонат қилган эркакнинг катта сурати уй ичига қадам қўйганингиз заҳоти сизни қарши олади.

Суратдаги ягона эркак ҳамон қизлари ва набираларига кўринмас таянчдек, гўё. Ҳарқалай, аёллар шундай деб билишади. Тўрт аёлнинг, тўғрироғи, катта бир авлоднинг умиди бўлган Ҳуррият бугун беш ёшга тўлди.

– Бувижон, нега менинг исми Ҳуррият? – Нусратхон аяга бориб суйкалди қўғирчоқдек кийиниб олган қизалоқ.

– Катта бувинг отингни шундай бўлишини истаган, – уни меҳр билан бағрига босди аёл. – Чунки у бувинг олима, илмли. Сенинг исмингни шундай қўйганимиздан кейин юртимизга ҳуррият келди, мустақил бўлди.

– Биламан, катта бувим мени хосиятли қизим, деб эркалатади, – мақтанганнамо лабларини чўччайтирди қизалоқ ва сўрашда давом этди: – Бувижон, нега энди Давлатхон бувимни катта буви дейман, ахир улар сиздан ёш-ку?

– Ўзимнинг саволларга бой набирагинам, қақажоним, – кулиб набирасининг кўнғирок сочларини силади Нусратхон ая. – Катта бувинг менинг опам, фақат ёш кўринади.

– Нима учун ёш кўринади?
– Чунки у университетда талабаларга дарс берган, оғир жисмоний иш қилмаган. Мен эса заводда ишлаганман. Онанг билан холангни боқиш учун кўп меҳнат қилганман.

– Нега катта бувимнинг болалари йўқ? Сиз онам билан Карима холамга онасиз. Катта бувим кимга она?

– Уми... олима бўламан, деб болали бўлмаган, – хўрсинди аёл. – Аммо ҳаммамиз учун она ҳисобланади. Сен учун эса катта буви.

– Унда, Карима холам-чи, олима бўлмаса ҳам болалари йўқ-ку. Бўлганда бирга ўйнардим.

– Қизим, туғилган кунингга қандай совғалар олганимизни кўрдингми? – гапни бошқа томонга бурди Нусратхон ая.

Ҳуррият саволлардан бўшаб, совғалари билан мақтангани ошиқди. Бувиси синиқ жилмайган кўйи, «Сен бизнинг ёлғиз умидимиз, чироғимизсан, болагинам», деди аста пичирлаб.

Жиянининг саволларини эшитиб турган Карима ичкари уйдан чиқиб, онасининг ёнига ўтирди. Хомуш тортган юзига термилганча қўлларини силади.

– Онажон, ёш боланинг оддий саволларига ҳам тўкилиб бўласиз-а? Чехрангизни очсангиз-чи. Бугун набирангизнинг таваллуд куни. Вақтнинг ўтишини қаранг, кўз очиб юмгунча беш ёшга тўлди. Яна озгина кутсангиз...

– Озгина кутсам, нима ўзгаради, қизим? Сен барибир оила қурмайсан, билганингдан қолмайсан. Агар истаганингда, ҳозир сенинг ҳам ўз оиланг, болаларинг бўларди.

– Онажон, неча йилдики шу гапни такрорлаб чарчамайсиз. Ёшим қирқдан ошди, оила қурмаслигимни биласиз. Ўғлим яшаб қолганда ҳозир йигирма ёшга тўларди. Эрим Афғондан тирик қайтганида яна болаларимиз бўларди. Аммо бундай ёруғ кунлар пешонамга битмаган экан. Энди шуларнинг хотираси билан яшайман.

– Ҳа-а, оиламиз аёлларининг пешонасида синовлар кўп экан, жуда кўп, – кўзига ёш тўлди Нусратхон аянинг. – Онам дадамдан «қорахат» келгач, узоқ яшамади. Опам «дадам ўқимишли бўлишимизни васият қилган», деб илм йўлини танлади, оила қурмади. Менинг оилам эса нотинч бўлди. Даданг бор-будимизни қиморга ютқазди-ю, кўча-

чарчади. Тушкунлик гирдобига чўка бошлади. Жигарбандларининг аҳволи ундан-да маҳзун. Хонадонларига дафъатандан кириб келган қуда аёл эса...

– Ҳурриятхон бизга жуда яхши келин бўлди, қизларим қаторида қиз бўлди, – гапни узоқдан бошлади қайнонаси Мавлуда опа. – Қуда бўлганимизга ҳам беш йилдан ошди. Орамиздан бирор маротаба дилхиралик ўтмади. Икки ёш ҳам бир-бирларини ранжитмай аҳил-иноқ яшашди. Аммо ўртада фарзанд бўлмаганидан кейин... Ўзларинг тушунасизлар, бундай ришта мўрт бўлади. Ёшлар ҳозир буни англамаслиги мумкин. Лекин англаб етганда кеч бўлади, деб қўрқаман. Шунинг учун олдиларингга бош эгиб келдим. Ўғлимнинг фарзандсиз ўтишини истамайман.

– Ниятингизни ўғлингизга айтдингизми, қизим? – овози қалтираган кўйи Мавлуда опадан сўради Нусратхон ая.

– Йўқ. Дониёр бу ерга келганимни ҳам билмайди. Ҳурриятхон ақли, сизлар гапирсаларинг, тушунади. Ёшлар бошқа-бошқа оила курса, балки иккиси ҳам болали бўлиб кетишар...

Ҳурриятнинг севимли ёри, келин бўлган хонадонини тарк этганига бугун бир ой бўлди. Уни тушкунликдан жонфидо меҳрибонлари, севимли касби асраб турарди. Аммо атрофидаги тўрт аёл тўрт томонда азобда, руҳий изтиробда эканини ҳис қилиб туриш барчасидан оғир. Остонасига бир неча бор бош уриб келган умр йўлдоши Дониёр ёлғиз қайтди. Қайнонасининг мақсадидан хабар топган Ҳуррият эри билан ажрашишга қатъий қарор қилганди.

– Болам, кейин афсус қилмайсанми? – кундан-кун жимгина сўлиб бораётган қизига термилди Назифа опа. – Дониёржон ҳам қатнавериб, қийналиб кетди. Бирга яшасаларинг балки...

– Йўқ, ойижон, барибир фарзандли бўлмаймиз. Озгина умид бўлганда, қайнонам ажратмаган бўларди. Сиз мендан хавотир олманг. Фақат иккала бувимнинг аҳволини кўриб...

Назифа опа кўзига ёш тўлиб турган қизини бағрига босди. Она-бола унсиз йиғларди...

Орадан уч ой ўтди. Хонадон аҳли учун оғир кечган уч ой. Чехраси сўлғин, иштаҳасиз Ҳурриятнинг кутилмаганда қорнида кучли оғриқ турди. Зудлик ила шифохонага етказишди, турли текширувлар амалга оширилди.

– Ваҳима қилманглар, ҳаммаси жойида, – Ҳурриятнинг олдидан бир қадам жилмай турган онаси ва холасига вазиятни бамайлихотир тушунтира бошлади УЗИ шифокори. – Ҳомила катта бўлгани сари баъзида шундай ҳолатлар бўлиб туради. Ўғилчаси ўн етти ҳафталик, бу тўрт ойлик дегани...

Катта шаҳардаги чоғроққина ҳовли шу куни илохий нурга бурканди гўё.



да қолганимизга қарамай, ўзга аёл ортидан кетди. Ота уйим ўз бағрига олди. Опам таянч бўлмаганда билмадим, аҳволимиз не кечарди. Сизларни зўрға вояга етказиб узатганимда, синглинг... синглинг Назифа ўн йил деганда Ҳурриятни туғди-ю, қайта фарзанд кўришдан маҳрум бўлди. Эри ўша заҳоти бошқа оила қурди. Сенинг аҳволинг бу, эримга садоқатли бўламан, деб ёлғиз ўтпаган. Авлоднинг биргина давомчиси, шу неварагинам. Унинг болаларини кўрсам, армоним қолмасди. Илоҳим, авлодимиз илдизи қуримасин. Ота уйимга эгалик қиладиган эваралар берсин Аллоҳим.

– Ниятингизга етинг, ойижон, – онасининг кўзёшларини артиб, юзини юзига босди Карима. – Шундай хурсандчилик кунда кўзёши қилиб ўтирганингизни қаранг. Яхши ниятга эришиш учун яхши кайфият ҳам керак. Қани, туринг, онажон, холажо-он, Назифа-а, қани, ҳамма дастурхонга. Туғилган кун байрамини бошлаймиз...

Ҳуррият вояга етгунга қадар тўрт аёлнинг илҳақ нигоҳи, адоқсиз меҳри, ардоғи ва албатта, дуолари билан улғайди. Нусратхон аянинг кўнглига қараса, неварасини ўн саккиз ёшда турмушга узатгиси бор эди. Аммо қизгина муаллима бўлиш истагида олийгоҳга кирди. Институтнинг охириги курсида ва ниҳоят, бувисининг орзуси амалга ошди. У ўзи севган йигитга турмушга чиқди.

Тўрт аёлнинг меҳр қафтида, юрак тафтида катта бўлган Ҳуррият бугун ўзга хонадон вакили. Ҳовли дарвозаси тик деса, барчанинг нигоҳи ўша томонга қадалади. Зиёли хонадонда унга яхши муносабатда бўлишларидан барчанинг кўнгли тўқ. Бироқ соғинч, янги хушxabар илинжи тўрт аёлнинг юрагига тошдек осилган умид ва изтироб. Айниқса, саксонга яқинлашаётган Давлатхон ва Нусратхон бувиларнинг дуодан қўллари тушмасди.



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

Ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи бугунги кунда жаҳон миқёсида ўзининг долзарблиги билан эътиборга молик. Айнан шу мақсадда юртимизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Айниқса, ёшларимиз онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш, дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини ошириш, миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб қилиш асосида ҳарбий хизматчиларда «Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш каби вазифаларнинг ижроси ватанпарварлик фазилатини шакллантириш ва ривожлантириш учун замин яратади.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч ва унинг озодлиги йўлидаги уринишлар, барча саъй-ҳаракатлар қаҳрамонлиқдир. Ўзбекистон – ҳақиқий ватанпарварлар ва қаҳрамонлар юрти ҳисобланади. Ана шу муқаддас юртимизнинг фидойи фарзандларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов – Чўлпондир. У 1897 йилда Андижонда зиёлилар оиласида таваллуд топган. Дастлаб эски мактабда, кейинчалик Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олган. Шунингдек, Андижондаги рус-тузем мактабида ўқиб, рус тилини пухта ўрганган. Натижада у жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўла олган.

Абдулҳамид Чўлпон шоир, ёзувчи, драматург, очеркнавис ва таржимон сифатида ўзбек адабиёти равнақида салмоқли ҳисса қўшган. 1914–1917 йилларда чоп этилган «Баҳор овуллари», «Ўш», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллари», «Дўхтир Муҳаммадиёр» асарларида адиб маданият ва маърифатни тарғиб қилган. Октябрь инқилобидан кейинги 1920–1924 йилларда жамият ҳаётида содир бўлаётган хуш ва нохуш ўзгаришлардан таъсир-

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН – ВАТАН КУЙЧИСИ

ланган Чўлпон «Йўлда бир кундуз», «Йўлда бир кеча», «Шарқ поезди келди», «Шарқ уйғонган», «Чимкент», «Қутурган мустамлакачилар», «Йўл эсдалиги» каби ҳикоя ва мақолаларини ёзган. Уларда чоризм мустамлакачилари ва маҳаллий ҳокимларнинг жабру жафоси, фуқаролар уруши даври офатлари, фожиялари ва меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаёти тасвирланган.

Фирдавсий, Умар Хайём, Низомий, Саъдий, Деҳлавий, Лутфий, Алишер Навоий, Машраб, Абдулла Тўқай каби буюк истеъодларнинг ижодини ўрганган Чўлпон уларнинг асарларидан илҳомланган. Исмоил Гаспиринский, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат каби маърифатпарвар алломаларнинг асарларини мутолаа қилиб, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини бойитган.

Чўлпон бутун умр ўз халқини адолатсизлик, ночорлик ва қарамликдан халос бўлишини истаб яшаган. Асарларида улардан халос бўлишнинг ягона йўли – маърифат ва озодлик эканини доимо қайд этган.

Биринчи қадам – шоир назарида ҳаракат қилиш, интилиш. Буни 1920 йилда ёзилган «Улуғ йўлда» шеърида яққол сезиш мумкин:

*Маҳкам қилиб боғланилган камарлар,
Тезроқ! Қанот! Қушлар янглиғ учайлик.
Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,
Шарқнинг эски чигалини ечайлик.*

Иккинчи қадам – халқни уйғотиш, яъни уни озодлик, эркинлик сари сафарбар этишдан иборат.

1921 йил Бухорода Чўлпон «Халқ» номли машҳур шеърини ёзиб, озодликни куйидаги тарзда куйлайди:

*Халқ денгиздир, халқ
тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ
оловдир, халқ ўчдир...*

*Халқ истаги: озод
бўлсин бу ўлка,*

*Кетсин унинг бо-
шидаги кўланка.*

Учинчи қадам – маърифат, яъни халқни саводли қилиш ва илм-фанни ривожлантириш.

Абдулҳамид Чўлпон 40 ёшида халқимизнинг асл фидойи, эркесвар, ватанпарвар ва маърифатпарвар фарзандлари қаторида қатағонлик сиёсати қурбони бўлди. 1956 йилда унинг

номи оқланса-да, асарлари нашр қилинмади. Истиқлол сабабли 1991 йилда Чўлпоннинг асарлари «Яна олдим созимни» номи билан тўпلام тарзида чоп этилди.

Абдулҳамид Чўлпон ўз ҳаёти ва ижоди билан халқимизнинг ватанпарвар ва фидойи фарзанди сифатида тарихда из қолдирди. Бугунги кунда унинг орзулари тўлиқ амалга ошди. Халқимиз мустақилликни қўлга киритиб, катта бунёдкорлик ва жадал ривожланиш йўлидан бормоқда. Чўлпоннинг бебаҳо асарлари эса ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш учун хизмат қилмоқда.

**Подполковник Комилжон НАСИРОВ,
Қуролли Кучлар академияси
цикл бошлиғи, педагогика фанлари
номзоди, доцент**

МАЪРИФАТ

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз.

Тарбия масаласига эътиборсиз қаралган вазиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар ҳам барчамизга аён. Аммо бугун кишиларимизга ана шу ҳақиқатни айтсангиз, сизга: «Нима қилай, ишласанг бўлмас!»», «Кўряпсиз-ку, осонмас, ҳаёт ташвишлари, болаларнинг еб-ичиши-ю, кийим-кечаги ...», «Ҳа, энди ўзи омон бўлса, тарбияси бир гап бўлар...» каби жавобларни айтишади.

Йўқ, тарбия «бир гап бўладиган» нарса эмас. Унинг учун жон куйдириш шарт. Мол-дунё, кийим-кечакка ҳирс қўйиш дардидан фориг бўлиб, тарбия билан шуғулланиш керак.

Гўё кўпчиликнинг фарзанд тарбияси билан банд бўлишга ортиқча вақти йўқ эмиш. Ваҳоланки, тарбия масаласи билан ортиқча вақтда эмас, ҳар дақиқада шуғулланиш

«ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ МАСАЛАСИДИР»

даркор. Олимларнинг аниқлашича, бир суткада фарзанд тарбияси учун фақатгина ўн икки дақиқагина вақт ажратадиган ота-оналар бор экан. Бу дақиқалар ҳам асосан дастурхон атрофида ўтирганда, бола кўчага чиқаётганда, мактабга кетаётгандаги бериладиган кичик танбехларга сарф бўларкан, холос.

Буюк ватандошимиз Имом Ғазолий бундай дейди: «*Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади.*»

Азиз ота-оналар, бу борада олиб бораётган ишларингизга бир назар

ташлаб кўринг-а! Сиз бунда қай даража уддалаяпсиз, фарзандингизга, унинг тарбиясига қанча вақт ажратаяпсиз?

Зеро, бугун илм-фан ва таълим изчил ривожланиб бораётган бир даврда, ҳеч шубҳасиз, тарбия таълимнинг асосида туриши шартдир. Шундай экан, илм-фан таълим-тарбия асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир педагог, муаллим ва устознинг таълим беришдан мақсади – Ватан ва эл-юрт хизматида турадиган, келажакда порлоқ кадрларни тарбиялаш бўлар экан, бундай таълим-тарбия ўз самарасини бермай қолмайди. Яъни бугунги куннинг ўқитувчи ва муаллими ўзи таълим бераётган шахсга фидойилик билан таълим бериши, қолаверса, жонкуяр тарбиячи бўлиши шарт.

Шуни унутмаслигимиз керакки, юрт келажак, Ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимиз ва ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир. Шу

сабабли ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, етук шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, униб-ўсиб келаётган ёшларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказишни мақсад қилган эканмиз, уларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Подполковник Алишер ХИДИРОВ

МУЛОҲАЗА

МОМОМГА (ЖЎНАТИЛМАГАН) МАКТУБ

Бир телеканал дастурида меҳмон сифатида иштирок этган икки япон аёлининг соф ўзбек тилида «Сизлардаги оила анъанаси бизга жуда маъқул келди. Чунки кекса авлод ва ёш авлоднинг бир хонадонда яшаши, бир-бирига суюнч бўлиши бу жуда яхши одат. Афсуски, бундай ҳолат бизда камёб. Ёшлар оила қуришлари билан алоҳида яшашга интилишади», деган фикрлари мени ўйга толдирди. Ўша кун ўзим билан ўзим узок тортишдим. Негадир дунёдан ўтиб кетган момомни ўйладим. Момомларнинг пастак ўйлари-ю, уй атрофида бетартиб экилган саноқсиз мевали дарахтларини эсладим. Болалик хотираларимнинг ҳаммаси ўша пастак ўй ва бетартиб экилган дарахтлар билан тўлган, файзли момом меҳри билан чамбарчас боғлиқ. У кишининг берган насиҳат ва ўғитлари ҳаётим дастуруламалига айланиб улгурган. Лекин минг афсуски, фарзандларим бу меҳрдан мосуво. Менга ўригу данаклар тутган бу меҳрибон қўллар боламга ҳам нимадирлар илинишини ич-ичимдан истайман. Лекин афсус...

Ховлимизга фаришта мисоли кириб келишингиз, истарали юзингиздаги илиқлик, қўшнилари билан ўз фарзандингиздай самимий сўрашишларингиз шу қадар чиройли эдики, қанийди, ҳамма бувилар ҳам сиздай бўлишса, деган фикр беихтиёр хаёлдан ўтади.

Ёшлигингиз уруш даврларига тўғри келди. Етимлик, очарчилик, қийинчилик чоғларига болалигингизни алмашдингиз. Ҳали унинг эшигида, ҳали бунинг эшигида касалманд ва оч-наҳор етимлик саргардонлигини бошдан кечирдингиз. Лекин жимсиз, нолимадингиз. Нега? Ёки «сабр таги олтин»лигини ўшандаёқ билганмидингиз?

Бобом билан 58 йил бирга яшадингиз. Бу давр мобайнида олти ўғилу беш нафар қизни уйли-жойли қилдин-

гиз. Ўзингиз истагандек қўша-қўша – 35 набира ва 17 эваранинг севимли бувижониси бўлдингиз.

80 ёшни қаршилаган бўлсангиз-да, меҳнатсиз туролмадингиз. Ҳовлингиз боғида ерга тушиб, эзилиб ётган меваларни териб юрдингиз. «Ёзнинг ёвғони қишга ош-овқат, қийинчилик кўрибдими булар. Тўқинлик замонида яшайпти-да, исроф қилишини қара, кунинг кўп бўлгурларнинг», дея набираларни ҳам енгил койиб қўярдингиз. Қишу ёзда ҳам тинмай ҳаракатда экансиз, битта гапни кўп такрорлардингиз: «Меҳнатдан одам ўлмайди». Аксинча, меҳнатдан одам қадр топар экан. Бунинг рўёбини сизда кўрдим. Биз учун ўтган йилларингизнинг миқдорини ёзиш осон, лекин унинг дақиқалари сарҳисоби ўзингизгагина аён эди.

Бошимизга ташвиш тушса, дарҳол сезардингиз. Қаердан, қандай қилиб билгансиз, менга қоронғи. Сезирлигингизга кўп бора қойил қолганман. Ҳақиқатан сиз фариштасиз.

Сиздан ўзга ҳамма уйда, бироқ кўнгил тўлмайди. Ҳовлингизнинг файзи эдингиз... Берган қуруту ўриқларингиз табаррук. Борлигингиз бахт, соғлигингиз бойлик, ҳаракатингиз файз-барака эди. Оз ва соз гапирардингиз. Ҳар бир гапингизни мақол ва иборалар билан ўрнида сўзлардингизки, ҳатто айрим соҳа мутахассислари ҳам ишлатаётган мақолларингиздан ҳайратга тушишарди. Шундан бўлса керак, қишлоқдагилар сизга «Мақолчи момо», дея ном қўйиб олишганди.

Бир сафар касал бўлиб шифохонага тушиб қолганингизда, «уни ҳам боқиб, катта қилган эдим, бир мартаям хабар олмади», дея мендан хафа бўлибсиз. Боқиб катта қилганингиз рост. Тарбия берганингиз ҳақиқат. Қани энди, ҳамма набираларга ҳам бобою бувижонлари тарбиясида вояга етиш насиб қилса. Афсус, узокда эканман, дуоингиз истаб, кўнгил тусаган маҳал бора олмаганлигим армон.

Сабр, ирода тимсолида фақатгина сизни кўраман. Айрим аёллар сизнинг бу фазилатларингизни ўзларига шиор қилиб олишганида эди, оиладаги ҳар хил кўнгилсизликлар камайган бўларди.

Юқоридаги икки япон аёлининг бизга қилган ҳаваси мени ҳам роса ўйлантирди, ҳам уялтирди. Кўнглим



анчагача бузилиб юрди. Бир нарсани тушуниб етдимки, ўзингизга ичкаридан эмас, балки ташқаридан назар солсанг, камчиликлар тезда кўзга ташланар экан. Дунё аҳли бизнинг қарияларимиз қанотида муродга етишимизни билиб, тан бериб турган бир пайтда, мустақил яшашга шошилмай, набираларни бобою бувижонлари тарбиясида улғайишларига имкон беришимиз керак экан. Зеро ўзимизга сал юқориқдан назар солсак, майда ташвишлар заррадек кўринишини англаб етарканмиз. Момом айтганидек, ғаниматларимизни асрайлик, уларнинг дуоларини олайлик...

Шерзод ШАРИПОВ

ЛУҚМА

ТОПГАНИ ТҮЙЛАРГА БУЮРСИН, ТОПМАГАНИ-ЧИ?

Иссиқ ёз кунларининг бирида яқин қўшнимиз оналик бахтига эришди. Бироз вақт ўтганидан сўнг чақалоқча бешик тўйи қиладиган бўлишди. Уйларига тўй тайёргарлиги учун ёрдамга чиқдим. Дарвозадан киришим билан жуда ҳам катта тайёргарликнинг гувоҳи бўлдим. Мен оддийгина ва соддагина деб тасаввур қилган тўйга мутлақо ўхшамасди. Чунки тўй учун ижарага олинган стол-стулларнинг сони жуда ҳам кўп, ҳам назаримда ортиқчадек эди.

Ўзимча шу нарсаларнинг ҳисоб-китобини қилиб турган эдим, ошхона томондан келин янгамнинг овози эшитилди. Янгам билан ертўладан идишларни олиб чиқишга тушдик. У ерда тўйга аталган масаллиқларнинг кўплигидан оёқ босишга аранг жой топа оласан, киши. Ҳовлидаги яхна ва спиртли ичимликлар нега ташқарида қолганини энди тушундим. Ишонинг, бу ерда инсоннинг жонидан бўлак ҳамма нарса топилади. Янгамга ҳазил қилиб: «Шунча нарсалар орасига битта торт қўшмабсизлар-да, столда чиройли кўринарди (агар жой топилса)» десам, «эртага олиб келишади. Ҳар битта столга биттадан буюртма бердик», деса бўладими.

Вақт алламаҳал бўлдиямки, ҳеч ишимиз тугай демайди. Қўшни хотинлар кун бўйи сомса, бошқалари эса яна турли пишириқлар пишириш билан овора бўлди. Салатлар учун масаллиқ тайёрлашди. Кимлардир ҳовлининг у ер-бу ерини тўғрилаш билан банд.

Эртаси куни азонлаб яна ҳаракат бошланиб кетди. Қўшниникига боришим биланок, декорация безаклари «дизайнер»ига айландим-қолдим. Бир хонада шарларни тайёрлаётганлар, яна бирида табиий гуллардан сахна аркига тасма боғлаётган ёшлар. Мен бўлса ҳовлидаги деворларга шунча дабдаба шарофатчиси, айни вақтда эса тинчлик ва она сутидан бўлак зарур эҳтиёжи йўқ митти

чақалоқ учун «ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ФАРЗАНДИМ!» деган сўзларни жойлаётгандим.

Дастурхон ноз-неъматларга тўлиб-тошган, ҳовлига тумонат одам йиғилган. Бир вақт куда томондагилар карнай-сурнай, доира ва мен номини билмайдиган бошқа бир қанча чолғу асбоблари садоси остида бешик, беланчак, болалар каравоти билан кириб келди. Уларнинг ортидан эса бўйи нақд шифтга етадиган мультфильм қахрамонлари қиёфасидаги улкан юмшоқ «ўйинчоқлар» кириб келишди.

Бешик тўйи уларнинг кўнглидагидек ўтди, назаримда. Тўй тарқайдиган вақтда бир ёши улғу оқсоқол узундан-узун дуо қилди. У дуода, албатта, қуйидаги гап ҳам бор эди: топгани тўйларга буюрсин...

Бир неча кундан сўнг дабдабали тўй қиламан деб, яхшигина қарзга ботган қўшнимиз омонатни қайтариш учун чет элга ишлагани кетганини эшитдим. Эшитдим-у, беихтиёр тўй якунидаги оқсоқолнинг дуоси ҳаёлимдан кетмай қолди: топгани тўйларга буюрсин...

Зарнигор ЭШБЎТАЕВА,
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика
йўналиши талабаси

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионати Ўзбекистон эркаклар ва аёллар терма жамоасининг навбатдаги ёрқин ғалабаси билан якунланди. Ушбу муваффақиятга армиямиз чарм қўлқоп усталари, хусусан Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшишди.



Сўнги йилларда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришмоқдаки, бу эндиликда жаҳон спорт матбуоти, мутахассислар ва мухлисларнинг юртимиз боксига алоҳида эътибор қаратишига, халқаро майдондаги келгуси мавқеига ҳам юқори баҳо беришига сабаб бўлмоқда. Мураббийлар эса муҳим турнирлар олдидан ўз боксчиларини айнан бизнинг чарм қўлқоп усталаримизнинг услубларига қарши ҳозирлашга киришмоқда. Бундан Дубай шаҳрида ўтказилган эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги қитъа чемпионати ҳам холи бўлмади, боксчиларимиз ғолиблик йўлида янада дадил қадам қўйишди.

Осиё бокс конфедерацияси (AIBA) томонидан ташкил этилган эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги қитъа чемпионатида 17 мамлакатнинг 150 нафардан зиёд спортчиси қатнашиб, ғолиблик учун ўзаро жанг қилишди. Таъкидлаш жоиз, AIBA Осиё чемпионати тарихида илк марта совриндорлар учун мукофот пули ажратди, яъни бахсларда ғолиб чиққанлар 10 минг АҚШ доллари билан тақдирланса, иккинчи ўрин эгалари 5 минг, бронза медаль соҳиблари 2 минг 500 АҚШ долларига эга бўларди. Бу, ўз навбатида, жангларнинг янада кескин тус олишига туртки берди.

Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси бош мураббийи Марат Қурбонов ушбу қитъа биринчилигига юртимизнинг 10 нафар етакчи боксчиси, яъни Нодиржон Мирзахмедов (-49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Миразизбек Мирзахалилов (-56 кг, MVSM), Абдумалик Халаков (-60 кг), Элнур Абдураимов (-64 кг), Бобоусмон Батуров (-69 кг), Саиджамшид Жафаров (-75 кг), Дилшодбек Рўзметов (-81 кг), Санжар Турсунов (-91 кг) ва Баҳодир Жалоловни (+91 кг) жалб этганди. Осиё чемпионати якунида уларнинг барчаси совриндор бўлди, яъни юртимиз чарм қўлқоп усталари 6 та олтин, битта кумуш ва 3 та бронза, жами 10 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Айниқса, доим мутахассислару мухлислар диққат марказида турадиган энг оғир (+91 кг) вазнли боксчилар ўртасидаги жанглarda мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Баҳодир Жалоловнинг барча рақибларини мағлуб этиб, учинчи марта Осиё чемпионига айланиши қувончли воқеа бўлди. У финалда қозоғистонлик



азалий рақиб Камшибек Конкабаевдан устун келди. Шунингдек, боксчиларимиз Нодиржон Мирзахмедов (-49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Бобоусмон Батуров (-69 кг), Саиджамшид Жафаров (-75 кг) ва Дилшодбек Рўзметов (-81 кг) ҳам барча рақибларини мағлуб этиб, қитъа биринчилигининг олтин медални қўлга киритди.

Юртимиз бокс мухлислари Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили, амалдаги Осиё ва жаҳон чемпиони Миразизбек Мирзахалиловдан (-56 кг) ҳам ушбу қитъа биринчилигида ғолибликни кутишганди. Лекин боксчимиздан бу сафар бироз омад юз ўғирди, фақат сўнги финал жангида рақибига имкониятни бой бериб қўйган MVSM вакили қитъа биринчилигининг кумуш медални билан тақдирланди. Эслатиб ўтамай, Миразизбек 2018 йил Индонезияда ўтган Осиё ўйинларида, бир йилдан сўнг Бангкокда ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритган, 2019 йил Екатеринбург шаҳри мезбонлик қилган дунё биринчилигида ҳам тенгсизлигини исботлаганди. Унинг коллекциясидан Олимпиада олтин медалининг жой олиши қолган холос ва биз бунга «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида кутиб қоламиз.

Дубай шаҳридаги қитъа биринчилигида юртимизнинг уч нафар боксчиси: Абдумалик Халаков (-60 кг), Элнур Абдураимов (-64 кг) ва Санжар Турсунов (-91 кг) бронза медаллар билан тақдирланди.

Осиё чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги бахслари ҳам қизиқарли кечди. Боксчимиз Ситора Турдибекова (-57 кг) финал баҳсида қозоғистонлик Владислава Кухтага қарши жанг қилиб, 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва олтин медални қўлга киритди. Ўз вазн тоифаларида финалга қадам муваффақиятли жанг қилган ҳамюртларимиз Гуласал Султоналиева (-48 кг), Ситора Шагдарова (-54 кг), Навбахор Ҳамидова (-69 кг), Мавлуда Мавлонова (-75 кг) ҳамда Соҳиба Рўзметова (-81 кг) кумуш медални қўлга киритган бўлса, Моҳинабону Абдуллаева (-64 кг) ва Моҳира Абдуллаева (+81 кг) бронза медаль билан тақдирланди. Шу тариқа мураббий Лочин Қўчқоров бошчилигидаги боксчи қизларимиз қитъа биринчилигида битта олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза, жами 8 медални қўлга киритди. 2015 йилдан буён қитъа биринчиликларида совриндорлар сафидан жой олиб келаётган Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг бу галги муваффақиятини аввалги натижаларига таққосласак, бу борада ҳам ўсиш мавжуд. Зеро, хотин-қизлар терма жамоамиз 2015 йил Хитойда ўтган Осиё чемпионатида 2 та кумуш, 2017 йил Вьетнамда ўтган қитъа биринчилигида битта олтин, 2 та бронза, 2019 йили Таиландда ўтган мусобақада эса 3 та бронза медалга сазовор бўлган эди.

Шундай қилиб, «Токио – 2020» Олимпия ўйинлари олдидан сўнги синов вазифасини ўтаган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 7 та олтин, 6 та кумуш, 5 та бронза, жами 18 та медални қўлга киритди. Энди навбат 2020 йилдан 2021 йилга кўчирилган ва «Токио – 2020» номи билан юритиладиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига. Ўйлаймизки, «Токио – 2020»даги қатнашув ҳам боксчиларимиз учун муваффақиятли бўлади.

ШОҲСУПА

(хабарлар)

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ



Жаҳон кубогининг навбатдаги босқич бахслари Болгариянинг Варна шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг 46 ёшли афсонавий спортчиси Оксана Чусовитина ҳам қатнашди ва ўзининг севимли таяниб сакраш машқида бронза медалга сазовор бўлди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзоси Абдулла Азимов ҳам спорт отида бажарилган машқ якунида учинчи ўринни эгаллади. «Токио – 2020» Олимпия ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтаган мазкур мусобақада терма жамоамиз аъзоси Дилдора Орипова ўз йўналиши бўйича машқларда ғолиб чиқиб, олтин медаль билан тақдирланди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА



Пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг баландликка сакраш баҳсларида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) ёш спортчиси Сафина Саъдуллаева тажриба бобида ўздан анчагина устун бўлган, яъни Олимпиада, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда турли халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорлари ҳисобланган MVSM вакили Надия Дўсанова ва Светлана Радзивилдан устун келди. Сафина 1 м 96 см баландликни забт этиб, Ёзги Олимпия ўйинлари нормативини бажарди ва «Токио – 2020»га йўлланма олди. MVSM вакили Надия Дўсанова ва Светлана Радзивил биринчиликда бир хил, яъни 1 м 87 см натижа кўрсатиб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА



Италиянинг Песаро шаҳрида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг тўртинчи босқичи якунланди ва яққалик йўналишида «Токио – 2020» Олимпия ўйинларига йўлланма олган 3 нафар гимнастикачи номи эълон қилинди. Улар орасида ҳамюртимиз Сабина Тошкенбоева ҳам бор. Сабина лицензия учун курашган спортчилар орасида иккинчи кўрсаткичга эришди, яъни барча босқичлар якуни бўйича 130 балл жамғаришга муваффақ бўлди. Бу бадий гимнастикачиларимиз томонидан қўлга киритилган «Токио – 2020» Олимпия ўйинларига биринчи йўлланмадир. Олдинда қизларимизни яна бир лицензион мусобақа, яъни гуруҳ машқи бўйича пойтахтимизда ўтказиладиган Осиё чемпионати кутиб турибди.

САМБО



Пойтахтимизда ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси самбочилари деярли барча йўналишда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Фақатгина аёллар ўртасидаги беллашувларда биринчилик қозоғистонлик самбочиларга насиб этди.

ФУТБОЛ



Ўзбекистон миллий терма жамоаси Саудия Арабистонида ташкил этилган «Жаҳон чемпионати – 2022» ва «Осиё кубоги – 2023» қўшма саралаш иккинчи босқичининг марказлашган турнири доирасида Сингапур терма жамоасига қарши майдонга тушди ва 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Жалолиддин Машарипов (6', 35'), Элдор Шомуродов (45+2'), Одил Аҳмедов (50') ва Ирфан Фанди (автогол 89') гол муаллифлари бўлди. Терма жамоамиз навбатдаги ўйинларини Яман (11 июнь) ва Саудия Арабистони (15 июнь) терма жамоаларига қарши ўтказди.


ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Болажонингизни руҳий хасталиклардан сақлашни ва буюк шахсият эгаси бўлишини истасангиз, қуйидаги тавсияларга риоя қилинг. Натижаси, албатта, сизни қувонтиради.



• Ҳафтада камида бир марта фарзандингиз билан уйдан ташқаридаги машғулоти бирга бажаринг (пиёда юриш, сайрга чиқиш, спорт билан шуғулланиш, уй юмушларини бажариш...)

• Ҳафтада бир ёки икки марта оилавий маслаҳат ва суҳбат учун кечки таомни оила даврасида тановул қилинг.



• Атрофдагилардан холи ва тинч жойда фарзандингизнинг хоҳлаган гапини чегара ва қайдларсиз гапиришига рухсат бериб, унга қулоқ тутинг.

• Фарзандингиз билан ҳар куни 20 дақиқа дўстона суҳбат қуринг. (Мактаб ва ўқиши ҳақида эмас, панд-насихатларсиз).

• Ҳар куни 5-10 марта фарзандингизга меҳр-муҳаббатингизни изҳор қилиб туринг.

• Тасарруф билан фарзандингизга бўлган муҳаббатни изҳор қилинг: бошининг орқа тарафини силаш меҳрибонлик ва шафқатни ифодалайди; бошига қўлни қўйиш фахрланишни ифода қилади; қўлни пешонага қўйиш тинчлантиради; қўлни тутиш ота ва бола ўртасидаги алоқани кучайтиради; асабийлашганда кўксини силаб, бағирга босиш болани тинчлантиради.



• Ҳар доим фарзанднинг яхши ахлоқи, чиройли амали, ўзини тутиши ва кўринишига мақтов айтинг.

Гўзаллик учун 15 дақиқа



Эрта тонгдан 15 дақиқа вақтингизни рақс тушиши ёки машқ қилишига сарфласангиз, кун давомида кайфиятингиз аъло даражада бўлади. Соғлигингиз кексалик чоғингизда ҳам сизга асқатиши учун вақтингизни аяманг. Кун давомида юқори эмоционал ҳолатда бўлишингиз айнан эрталабдан кайфиятингизни кўтариб олишингизга узвий боғлиқдир. Бу гал сизларга бўйин ва елка учун йога машқларини ҳавола этмоқчимиз.

Қўлларингизни орқага бирлаштиринг. 6-7 марта нафас олиб чиқаргач, кейинги машққа ўтиш мумкин.

Ўтирган ҳолда қўлларни бош орқасида бирлаштиринг. Сўнг бошни эгиб, 5-7 марта нафас олиб чиқаринг. Умуртқа текис туришига аҳамият беринг.



Бармоқларни бирлаштириб, ияк остига олиб келинг. Нафас олганда иякни юқорига кўтариб, нафас чиқарганда пастга туширасиз. Машқни 6-8 марта такрорлаш зарур.

Бананли чизкейк



Керакли масаллиқлар:

450 г творог, 350 г печенье, 200 мл қаймоқ, 150 г сариеғ, 2 дона банан, 1,5 ош қошиқ желатин ва 2 ош қошиқ лимон шарбати.

Тайёрланиши: печеньеларни блендрда майдалаб, хона ҳароратида юмшатиш билан аралаштиринг. Қолипга солиб,

текисланг. Желатинни 6 ош қошиқ қайноқ сувда ивиринг. Иккита бананни эзиб, лимон шарбати билан аралаштиринг. Унга творог, қаймоқ ва қанд упаси қўшинг. Яхшилаб аралаштириб, желатинни солинг. Аралашмани текисланган печенье устидан солиб, текислаб, 3-4 соатга музлаткичга қўйинг. Чизкейкни банан бўлаклари билан безатинг.



Ўтирган ҳолатда бармоқларни ияк остида бирлаштириб, нафас олганда имкон қадар юқорига тортинг. Нафас чиқарганда дастлабки ҳолатга қайтинг. Машқни 6-8 марта бажариш лозим.

Икки тахтани горизонтал ҳолатда қўйиб, тирсакларни уларнинг устига қўйинг. Бошни эгиб, шу ҳолатда 5-7 марта нафас олиб чиқарасиз.

Ўтириб, оёқларни чалиштиринг. Сўнг чап қўл билан бошни чап томонга эгинг. 30 сониядан кейин ўнг қўл билан ўнг томонга эгасиз. Машқни 6-8 марта бажариш талаб этилади.

МАСОФАДАН

БОШҚАРИЛУВЧИ КАТЕР

Жанубий Кореянинг JIG Nex1 компанияси Пусан шаҳрида бўлиб ўтган MADEX-2019 халқаро ҳарбий денгиз техникаси кўргазмасида «Си Сворд-2» (*Sea Sword II*, миллий номланиши *Haе Gum II*) типдаги масофадан бошқарилувчи катернинг тўлиқ ўлчамли намунасини ҳарбий мутахассислар эътиборига ҳавола этди. Унинг узунлиги 12 метр, эни 3,5 метр, сув сифими 11 тоннани ташкил этади. Катер корпуси арматураланган толали композицион материаллардан тайёрланган. Унга жойлаштирилган қуроллар таркибига 12,7 мм.ли пулемётга эга бўлган модуль ва «Пониард» типдаги бошқарилмайдиган реактив снарядларни отиш учун мўлжалланган калибри 70 мм.ли саккиз стволли ишга тушириш қурилмаси киритилган. Шунингдек, бошқа турдаги фойдали юкланма, шу жумладан разведка ва кузатув воситаларини ўрнатиш имконияти ҳам кўзда тутилган. «Си Сворд-2»нинг кучлиниш қурилмаси «Камева» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган 2 та сув иргитувчи ҳаракатлангични қувват билан таъминловчи иккита дизель двигателидан иборат бўлиб, бу катерга максимал ҳаракатланиш тезлигини 35 узелга ва сузиш масофасини 20 узел тезликда 180 милягача етказиш имконини беради.



ҲАВО НИШОНЛАРИГА

ЗАРБА БЕРА ОЛАДИ

Польшанинг автоматика ва ўлчовлар саноат илмий-тадқиқотчилик институти мутахассислари томонидан «Ибис» деб номланган янги масофадан бошқарилувчи машина ишлаб чиқилди. Унга «Ибис» типдаги кўчма зенит-ракета комплексининг иккита ишга тушириш қурилмаси ўрнатилган. Комплекснинг жанговар оғирлиги 320 килограмм, узунлиги 1,35 метр, баландлиги 1,25 метр, эни 0,9 метрни ташкил этади. Бошқарилувчи зенит ракеталар ва нишонга тўғрилаш тизимлари жойлаштирилган айланма платформанинг оғирлиги 50 килограмм. Филдираклар формуласи 6 x 6 бўлган «Ибис» электр двигатели билан жиҳозланган. Кучлиниш қурилмасининг мустақил (*автоном*) ишлаш вақти 4 соат, текис юзалик бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 10 километрни ташкил этади. Ўт очишни бошқариш учун мўлжалланган оптик-электрон тизим таркибидан тепловизион ва телевизион каналлар, шунингдек, «ўзиники – ўзга» типдаги аниқлаштириш аппарати жой олган. Янги жанговар комплекс турган жойидан ҳам, ҳаракатланиш вақтида ҳам ҳаво нишонларига зарба бериш имкониятига эга. Мазкур машинани бошқариш оператор томонидан радиоканал орқали амалга оширилади.



МАКЕТ НОВОГО

ВЕРТОЛЕТА

Американская компания «Белл» представила на выставке вооружения и военной техники «AUSA-2019» (г. Вашингтон) макет многоцелевого вертолёта под названием «Белл 360 Инвиктус». Машина разрабатывается на конкурсной основе в рамках программы FARA (*Future Attack Reconnaissance Aircraft*), финансируемой министерством армии США. По информации специалистов компании, этот вертолёт может развивать максимальную скорость полета до 330 км/ч, а расчетная продолжительность патрулирования района на удалении 250 км от базы составит 90 минут.

Машина оснащена крылом, обеспечивающим дополнительную подъемную силу в полете, и убирающимся шасси. В составе силовой установки будут использованы турбовальный двигатель «Дженерал электрик» Т901 мощностью 3 000 лошадиных сил, разрабатываемый в рамках программы ИТЕР (*Improved Turbine Engine Program*), и четырехлопастный несущий винт. На внешних узлах подвески вертолет сможет нести до восьми ракет класса «воздух – поверхность», а ещё четыре ракеты поместятся во внутренних отсеках. Кроме того, он получит 20-мм автоматическую пушку, расположенную в передней части под фюзеляжем.



ИСПЫТАНИЯ ПРОШЛИ

УСПЕШНО

Израильская компания «Увижн Эйр» (*Uvision Air*) разработала и испытала патрулирующий боеприпас «Хиро-400ЕС» (*Hero-400EC*), предназначенный для обнаружения, идентификации и поражения как неподвижных, так и движущихся целей. Новая система оснащена электродвигателем и универсальной боевой частью массой 10 кг (*танDEMная кумулятивная осколочно-фугасная*) для борьбы с бронированными целями типа основной боевой танк. Силовая установка обладает низкими акустическими тепловыми демаскирующими признаками, что позволяет совершать полет в крайсерском режиме на высокой скорости и в режиме низкоскоростного барражирования. Форма корпуса с раскладывающимися крестообразными крылом и оперением увеличивает подъемную силу и продолжительность полета, а также улучшает маневренность и точность нанесения удара по целям в ограниченном городском пространстве. Длина боеприпаса 2,1 м, размах крыла 2,4 м, максимальная взлетная масса 40 кг, максимальная продолжительность полета 2 часа, рабочая высота 5 500 м. Двусторонний канал связи обеспечивает управление системой в полуавтоматическом режиме на дальности до 150 км. «Хиро-400ЕС» управляется одним оператором и запускается либо с рельсовой направляющей, либо из модульного контейнера, который может устанавливаться на любую (*наземную или морскую*) платформу по желанию заказчика.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ



Туркия бошқа мамлакатларнинг Россиядан олинган С-400 типдаги ҳаво ҳужумига қарши мудофаа мажмуасидан воз кечиш ҳақидаги таклифини қабул қилмайди, деб баёнот берди Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғли. «С-400 юз фоиз ўз назоратимиз остида бўлади. Биз жуда кўп мутахассисларни ўқишга жўнатдик. Россиялик ҳарбийлар масаласига келсак, улар Туркияда бўлмайди», деди Чавушўғли. Маълумки, Вашингтон Анқарани хариддан воз кечишга қақариб, ўрнига Patriot тизимини сотиб олишни таклиф этганди.

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР БОШЛАНДИ



Болтиқ денгизида НАТОнинг Baltops деб номланган кенг қўламли ҳарбий денгиз машқлари бошланди. 18 июнгача давом этадиган тадбирда НАТОга аъзо 16 та давлат ҳамда Швеция ва Финляндия ҳарбийлари иштирок этмоқда. Мазкур машғулотларда жами 40 та кема, 60 та самолёт ва вертолёт ҳамда 4 минг нафар ҳарбий иштирок этади. Икки босқичда ўтказиладиган машғулотларга АҚШ Ҳарбий денгиз кучлари 6-тезкор флоты кўмондони вице-адмирал Жин Блэк раҳбарлик қилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШУВИ ОҚИБАТИДА




Покистон жанубида иккита йўловчи поезд тўқнашиб кетиши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 65 нафарга етди, 150 нафарга яқин йўловчи жароҳатланди, деб хабар қилади ARY News. Бу поездларда жами 1 100 нафар йўловчи бўлган. Қўтқарувчилар воқеа жойида қўтқарув ишларини давом эттирмоқда, поездлар тагидан чиқариб олинган йўловчилар энг яқин шифохоналарга етказилмоқда. Воқеа жойида тиббиёт лагери ташкил этилган бўлиб, у ерда фельдшерлар ва ҳарбий шифокорлар тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

БУ ҚИЗИҚ

ИНСОН ФИЗИОЛОГИЯСИГА ОИД ҲАЙРАТОМУЗ ФАКТЛАР

Инсон организми ўта мураккаб ва аъло даражада шаклланган тизим ҳисобланади. Тадқиқотчилар бир неча юз йиллардан буён бу тизимни пухта ўрганишга ҳаракат қилиб келмоқда, аммо ҳозиргача тўлалигича бунга эриша олмадилар. Зеро, бу борада сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда аниқланган бир-биридан қизиқарли фактлар кишини лол қолдириши шубҳасиз. Қуйидаги маълумотлар бунинг яққол исботи бўлиши мумкин.



Кўзнинг энг устки тиниқ пардаси (муғуз пардаси) қон таъминотига эга эмас, у бевосита ҳаводан кислород олади.

Мовий кўзли инсонларнинг оғриқларга таъсирчанлиги бошқаларга нисбатан анча юқори ҳисобланади.

Инсоннинг бош суяги жами 29 та суякдан ташкил топган.

Лаблар бармоқ учларига нисбатан бир неча юз баробар таъсирчан.

Танамиздаги иссиқликнинг 80 фоизи бош орқали чиқиб кетади.

Бурун ва қулоқлар ҳеч қачон ўсишдан тўхтамайди.

СУЯКЛАР, ТЕРИ ВА МУШАКЛАР

Инсон организмидаги баъзи суяклар пўлатдан 5 баробар мустаҳкам.

Тиш эмали организм томонидан ишлаб чиқариладиган энг пухта тўқима ҳисобланади. Организмдаги барча кальцийнинг 99 фоизи тишларда жойлашган.

Чақалоқ дунёга келган вақтида унинг танасида 300 тагача суяк бўлади, катта ёшга етганида эса улар 206 тагача камаяди.

Инсон табассум қилганида 17 та, хўмрайганида эса 43 та мушакдан фойдаланади.

Тил танамиздаги энг кучли мушак ҳисобланади.

СОЧ ВА ТИРНОҚЛАР

Инсон умри давомида бошда ўсадиган барча сочларнинг умумий узунлиги ўртача 725 км.ни ташкил этади.

Оёқ бармоқларидаги тирноқлар қўл бармоқларидагига нисбатан 4 баробар секин ўсади.

ВА БОШҚА ФАКТЛАР

Аксириш вақтида организмнинг барча функциялари, шу жумладан юрак ҳам тўхтаб қолмайди.

Очиқ кўз билан аксириб бўлмайди.

Катта ёшли инсон бир кунда 23 минг марта нафас олади ва чиқаради.

Йўталиш вақтида оғиздан чиқадиган ҳаво деярли 100 км/с тезликда ҳаракатланади.

Юрак хуружи эҳтимоли ҳафтанинг бошқа кунларига нисбатан душанба кунини кўпроқ бўлади.

Самолётда учиш вақтида сочнинг ўсиш тезлиги икки баробар ошади.

Эрталаб инсоннинг бўйи кечқурунга нисбатан 8 мм баландроқ бўлади.

ИЧКИ ОРГАНЛАР ВА ТИЗИМЛАР

Инсон юраги ўрта муддатли ҳаёт давомида 5,7 миллион литр қонни бутун организм бўйлаб айлантиради.

Қон томирларининг умумий узунлиги 100 минг километрни ташкил этади.

Аёллар юраги эркекларникига нисбатан тезроқ уради.

Ўнг томондаги ўпка чап томондагига қараганда каттароқ.

Ўпкалар юзаси майдони тахминан теннис корти майдонига тенг.

Юрак юзага келтирадиган босим қонни кўп қаватли уйнинг 4-қаватигача кўтариб бериши мумкин.

МИКРОФЛОРА, ФЕРМЕНТЛАР, ЭЛЕМЕНТЛАР

Инсон организмида яшовчи бактерияларнинг умумий оғирлиги 2 килограммни ташкил этади. Бу бактерияларнинг фақат 1 фоизигина касалликлар келтириб чиқариши мумкин. Оғизда деярли 40 мингта бактерия учрайди.

Инсон танасида 700 та фермент мавжуд.

Агар организмдаги барча темир тўпланса, ундан соат учун кичкина винт ясаш мумкин бўлади.

Танамиздаги мавжуд олтингурут билан ит баданидаги барча бургаларни қириб ташлаш мумкин.

Инсон организмида 900 та қалам тайёрлаш учун етарли углерод ва 7 дона совун тайёрлашга етадиган миқдорда ёғ бор.

БОШ, МИЯ ВА ХОТИРА

Олимлар ҳисоб-китобига кўра, бир сутка мобайнида инсон миёсида 60 мингта фикр юзага келади.

Бир сония давомида миёда 100 мингта кимёвий реакция содир бўлади.

Миёдан тарқаладиган асаб импульси соатига 274 км тезликда ҳаракатланади.

Инсон хотираси деярли 1 Пбайт миқдордаги ахборотни сақлайди. Бу салкам 1 миллион Гб ёки 1 квадриллион байтга тенг. Бундай катта миқдордаги маълумотларни ишлаш учун миё бор-йўғи 20 Вт энергия сарфлайди. Бу эса унинг дунёдаги энг самарадор ҳисоблаш мосламаси эканлигини билдиради.

Уйқуга кетиш учун зарур бўлган ўртача вақт 7 дақиқани ташкил этади, инсон ухлаш вақтида кўрган тушларининг 90 фоизини унутади.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ЎЗARO МУЛОҚOT ЙЎЛИ БИЛАН



«Толибон» ҳаракати матбуот котиби Забиҳулло Мужоҳид Твиттер орқали мурожаат билан чиқиб, Тожикистон ва Қирғизистонни «ўз муаммоларини мулоқот йўли»

билан ҳал этишга чақирди. «Исломи амирлиги икки исломий ва биродар мамлакатни ўз муаммоларини мулоқот йўли орқали ҳал этишга чақиради. Бизда урушнинг зарари борасида улкан амалий тажриба бор, урушнинг бошланиши осонга ўхшайди, аммо унинг бориши, оқибатлари ва йўқотишлар анча катта бўлади», дея таъкидланади унинг мурожаатида.

ЖИДДИЙ ХАВФ СОЛМОҚДА



Тожикистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 83 944 гектар экин майдонига чигиртка тарқалганини эълон қилди, деб хабар беради «Азия-Плюс». Қайд этилишича,

ҳозирда 67 минг гектарга яқин ерга кимёвий ишлов берилган. Ҳашаротлар айниқса Хатлон вилоятидаги экинларга (55,1 минг гектар) жиддий хавф солмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазири Сулаймон Зиёзода бир ой аввал чигиртка тарқалиши тўғрисида огоҳлантирган ва маҳаллий ҳокимиятларни уларга қарши курашиш чораларини кўришга чақирган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА



Шарқий Қозоғистон вилояти Зайсан туманининг Шиликти қишлоғида очик осмон остида музей қурилади, деб хабар беради Kazinform. Айни

пайтда Шиликти қишлоғига олиб борадиган йўл қурилиши давом этмоқда. Тасбастау қишлоғидан Зайсангача бўлган тоғ йўлининг узунлиги 60 километрни ташкил этади. Йўл қурилишига вилоят бюджетидан 1 миллиард 800 миллион тенге ажратилган. Унинг бир қисми (20 км) шу йил охирига қадар қурилади, 40 км йўл эса келгуси йили фойдаланишга топширилади.

МИНТАҚАДА

ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

Ёзги дам олиш оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш муассасалари раҳбарлари мавсум бошланиши олдида ёнғин назорат инспекцияси билан биргаликда ҳудудни текшириб чиқиши ҳамда аниқланган ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилган ҳолларини бартараф этиш чоралари кўрилишига эътибор қаратиши лозим.

Барча хизмат кўрсатувчи шахслар билан оромгоҳ раҳбарияти томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ва ҳудуд, хоналарда ёнғинга қарши тартибни сақлаш, ёнғин содир бўлганда болаларни қутқариш тартиби ва ёнғинни ўчириш чоралари ҳақида йўриқнома ўтказиши, махсус дафтарга имзо қўйдириб олишга мажбурдир.

Хизмат кўрсатувчи шахслар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тўлиқ билиши ва қаттиқ риоя этиши керак. Оромгоҳ ва соғломлаштириш муассасалари хизмат кўрсатувчи шахслар ҳисобидан – штатдан ташқари ёнғин ўчириш гуруҳи, болалар ҳисобидан – ёш ёнғин ўчирувчилар гуруҳлари тузилиши керак.

Соғломлаштириш муассасалари ва оромгоҳлар маъмурияти, хизмат кўрсатувчи шахслар ва ёш ёнғин ўчирувчилар гуруҳи масканнинг ёнғинга қарши ҳолати ва ёнғинга қарши тартибини доимий назорат қилиши учун кечаю кундуз навбатчиликни ташкил

этиши керак. Оромгоҳ ва соғломлаштириш муассасаси маъмурияти томонидан маскан ҳудуди ва хоналарида ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳақида йўриқнома ҳамда ёнғин содир бўлганда болалар ва жиҳозларни қутқариш режаси ишлаб чиқилади ва кўринарли жойга илиб қўйилади.

Болаларни қутқариш режасида чизмалардан ташқари қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- хизмат кўрсатувчи шахслар билан шахсан ким болаларни қутқариши ва қутқарувдан сўнг ким уларнинг сонини текшириши;
- қутқарилган жиҳозларни сақлаш ва уларни кўриқловчи шахс тайинланиши;
- алоқа тури воситасида ким ёнғин ўчириш қисмини қақариши;
- келаётган ёнғин ўчириш қисмларини ким кутиб олиши;
- вақтинчалик қутқарув режасига қўшилган ходимларни алмаштирувчи захира ходимлар рўйхати;
- ёнғинни ўчиришни ташкил қилувчи шахслар кўрсатилган бўлиши шарт.

Оромгоҳ ва соғломлаштириш муассасалари ҳудудининг ёнғин ўчириш машиналарини ўтказма оладиган 2 тадан кам бўлмаган дарвозаси бўлиши керак. Муассасалар ҳудудидаги йўллар ва йўлаклар ёнғинга қарши мақсадда бир-бирига уланган бўлиши керак.

Оромгоҳ ва соғломлаштириш муассасалари ҳудудида ёнғин ўчириш мотопомпаси, жиҳозлар ва бошқа ёнғин ўчириш техникаларини сақлаш учун 20-30 м² майдонли алоҳида хона (бино) қурилган бўлиши лозим. Баландлиги 10 метр гача бўлган биноларга тирговуч нарвонлар ўрнатилган бўлиши керак.

Ҳудуд ва хоналарни жойлаштириш, биноларнинг орасидаги ёнғин хавфсизлиги масофалари, уларнинг ўтга чидамлик даражаси хоналардан чиқиш



эшиклари ҳаракатдаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мос келиши ва ёнғин хавфсизлиги таъминланган ҳолатда сақланиши керак.

Бинолар, қурилмалар, ёнғин ўчириш гидрантлари, сув ҳавзалари, кранлар, мотопомпалар, электронасослар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, канал ва бошқа сув манбаларига, пирсларга олиб борувчи йўл ва йўлаклар доимо соз сақланиши ва тўсилмасдан сақланиши лозим.

Оромгоҳ ва соғломлаштириш ҳудудларининг ичкарида шахсий автомобиллар учун тўхташ жойини қуриш тақиқланади. Муассасага тааллуқли хўжалик ишларида фойдаланиладиган автотранспорт воситалари хизмат-маиший зонадаги гаражларда сақланиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ёнғин хавфсизлиги ва бошқа тегишли талаблар ўз вақтида сифатли бажарилса, биз болаларнинг ёзги дам олишига бағишланган мавсумни хавфсиз ва чиройли ўтказган бўламиз!

Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

ВАТАНПАРВАР БИЛСИНКИ...

Жанговар аъналар – ҳарбий хизматчиларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларида жанговар вазифаларни намунали бажариш ва ҳарбий хизмат ўташ билан боғлиқ масалалар борасида тарихан юзага келган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган армиядаги қоида, одат ва меъёрлар. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиларининг энг муҳим жанговар аъналар:

- Ватанга муҳаббат;
- ҳарбий бурч ва Ватанга қасамёдга содиқлик;
- аскарий ўртоқлик;
- ўз кучи ва Ватанимиз душманлари устидан ғалаба қозонишга бўлган ишонч;
- она юртни ҳимоя этишга доимий шайлик;
- ҳарбий маҳоратни тақомиллаштириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаб боришга муттасил интилишдир.

Қуролли Кучлар ҳаётида ўрин эгаллаган умумий жанговар аъналар билан бир қаторда Қуролли Кучлар ва қўшинлар турига мансуб, шунингдек, қисм ва қўшилма тарихи билан боғлиқ аъналар ҳам мавжуддир.

Ҳаво жанги – қирувчи авиация ҳаракатларининг асосий шакли. Ҳаво жанги, душманни яқсон этиш ва атакларини бартараф этиш мақсадида якка самолёт, вертолёт ёки самолётлар гуруҳи томонидан юритилади. Қирувчи самолётларнинг ҳаво жанги душманга яқинлашиш, атака қилиш, атака даво-

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ЁН ДАФТАРИГА

мида манёврлар бажариш ва жангдан чиқишдан иборат. Бомбардимончиларнинг, разведкачи ва бошқа самолётларнинг қирувчилар билан биргаликда ўтказиладиган ҳаво жангининг асосини – олов билан уйғунлаштирилган мудофаа манёври ташкил этади.

Позиция – 1) Қўшинлар томонидан жанговар ҳаракатлар юритиш учун эгалланган ёки эгалланиши кўзда тутилаётган жой, сув сатҳининг, ҳавзасининг муайян қисми, марра. Қуруқликдаги қўшинларда:

- мудофаа марраси;
- пайт пойлаш марраси;
- дастлабки марра;
- ўт очиш марраси;
- ракета учуриш марраси;
- техник марралар мавжуд.

Мудофаа марраси мотоўчи ва танк бўлималарининг жанговар тартибини жойлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, захира ва сохта марралар бўлиши мумкин;

2) бирор нарсанинг жойлашиши, дастлабки ўрни. Масалан, шахмат тахтасидаги доналар ҳолати;

3) бирор-бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуқтаи назар; далил, воқеа, ходисанинг муайян

баҳоси; шу баҳога мувофиқ амалга ошириладиган хатти-ҳаракат.

Қамал ҳолати – ҳарбий ҳолатнинг бир тури, алоҳида ҳуқуқий режим. Қамал ҳолатида ҳарбий ҳолатнинг барча чоралари сақланиб қолади. Бироқ мудофаа учун куч ва воситаларнинг максимал сафарбар этилиши, қамалда қолганлар белгиланган тартибга амал қилишлари ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида баъзи чоралар кучайтирилади.

Қамал ҳолати эълон қилинган тарихий мисоллар: 1918 йил Петроград, Киев, Сарацин, 1919 йил Москва, Тула, Қрим ва 1942 йил Сталинград.

Рамз – муайян тушунчани акс эттирадиган, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мулкнинг тегишли қуролли кучлар тури, қўшин (куч), махсус қўшин ва хизмат турларига мансублигини билдирадиган шартли рамзий тасвир.

Айрим ҳолларда рамз қуролли кучларнинг қайси давлатга мансублигини ҳам билдиради. Масалан, ўзбек жангчилари бош кийимида тақиладиган саккиз қиррали юлдуз ичига тасвирланган ярим ой билан юлдуз, қанотларини ёзиб турган ҳумо куши, икки дарё ўртасидаги мамлакат узра барқ уриб турган куюш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари белгисидир.

Рамз ҳарбий хизматчиларнинг фарқловчи нишонлари таркибига киритилган элементларнинг бири сифатида ҳарбий кийимда белгиланган жойларга тақилади (тикилади).

Шунингдек, рамз байроқ, ҳарбий техника, ҳарбий ҳужжат кабиларда тасвирланиши мумкин.

«Ҳарбий атамаларнинг янги изоҳли луғати» китобидан олинди.



BOLA



JON

OMONATGA XIYONAT QILMASLIK HAQIDA

Damashq shahrida bir savdogar bor edi. U har kimning omonat molini saqlar va bu xizmati uchun ma'lum darajada haq olardi. Savdogarning asosiy daromadi ana shu omonat saqlashdan kelardi.

Kunlardan bir kun savdogar omonatga xiyonat qilib qo'ydi. Bu xabar shaharning hamma aholisiga ma'lum bo'ldi. Shundan so'ng barcha savdogarlar, boyonlar va hunarmandlarning ixlosi qaytdi. Savdogar yakkalanib qoldi. Sekin-asta ishi orqaga ketib, kambag'allashdi va ko'p kishilardan qarz so'rab, qarzdor bo'lib qoldi. Savdogarning bir o'g'li bor edi, ko'p oqil va dono edi. O'g'li otasining boshiga tushgan baxtsizlikni eshitdi. Ammo yordam qilishga ojiz edi. Binobarin, chidam va matonat bilan sabr qildi.

Savdogarning o'g'li Abdumalik Marvon lashkarboshining qo'shnisi edi. Ittifoqo, Abdumalik Marvon lashkarboshini bir guruh askarga boshliq qilib Rum mamlakatiga qarshi urushga yubordi. Lashkarboshi savdogarning o'g'lini o'z uyiga chaqirdi va uyni xoli qilib: «Bilgilki, mening bir yosh qizim bordir. Shunga atab birmuncha mablag' to'plaganman. Hozir Rumga safarga ketmoqdaman. Binobarin, ushbu mablag'ni senga omonat topshirmoqchiman. Agar safardan salomat qaytsam, seni ko'p xursand qilurman. Mabodo, biror shikast yeb, qaytmasam, u holda ushbu omonatning o'ndan biri senga haloldir. Qolganini esa farzandim ehtiyoj sezganidagina unga berursan», dedi.

Lashkarboshi o'n ming dinor oltin chiqarib, yigitga topshirdi va hech qanday hujjat talab qilmadi. Shundan so'ng lashkarboshi Rumga jo'nab ketdi va ko'p o'tmasdan urushda halok bo'ldi. Yigit esa hamon omonat oltinlarni bezarar saqlab kelardi. Nihoyat, savdogar o'z o'g'lining qo'lidagi omonatdan xabar topdi.

– Eyo'g'lim, – dedi savdogar, – kambag'allik va tangdastlikdan azobdaman. Qo'limizda shuncha naqdina oltin turibdi. Agar ijozat bersang, ushbu oltindan bir miqdorini olib, qarzlaringga bersam va tiriklik ehtiyoji yo'lida sarf qilsam. Baribir bu oltinlarni sendan talab qiluvchi biror muayyan kishi yo'q-ku...

– Siz omonatga xiyonat qilib shu ahvolga tushdingiz. Mening esa jonim ketsa ham omonatga xiyonat qilmagayman.



Shu voqeadan bir qancha vaqt o'tgach, lashkarboshi farzandlarining ahvoli mushkullashdi. Ro'zg'or, tirikchilik vajidan qiynalishdi. Shundan so'ng lashkarboshining farzandlari yigitning oldiga kelib, Abdumalik Marvon nomiga ariza yozib berishni iltimos qildilar. Lashkarboshi farzandlari arizada otalarining yaxshi xizmatlari evaziga Abdumalik Marvondan yordam so'radilar. Arizani o'qib ko'rgan Abdumalik Marvon ularga quyidagi javobni berdi: «Har kim o'ldirilgan bo'lsa, u kishining nomi baytulmol daftaridan o'chiriladi...»

Ular saroydan noumid bo'lib qaytdilar. Yigit ulardan ahvol so'radi. Ular Abdumalik Marvondan eshitgan va ko'rgan muomalalarini hikoya qilib, ma'yus bo'lib, jim qoldilar.

Shunda yigit ularga qarab: «Otlaringiz menga omonat mol topshirib, ushbu moldan o'ndan biri seniki, deb vasiyat qilgandir. Yana degan ediki, farzandlarimning ahvoli yomonlashgan taqdirda ushbu oltinlarni ularga topshirursan. Men to shu damgacha omonatga xiyonat qilmay, mollaringizni saqlab keldim. Otangizning muhri

bosilgan hamyon to alhol salomat saqlanib kelmoqda. Mana endi sizlarning ehtiyojlaringiz menga ma'lum bo'ldi. Endi molni sizlarga topshirsam bo'ladi. Menga vasiyat qilgan ulushni o'z qo'llaringiz bilan berursizlar».

Yigit o'n ming dinorni ularning oldiga olib chiqib qo'ydi. Ular ming dinorni yigitga berib, qolganini olib ketdilar. Shu bilan ularning og'ir ahvoli yaxshilandi. Qiyinchilik va yo'qchilikdan qutuldilar.

Bir necha muddatlardan so'ng xalifa marhum lashkarboshini esladi va uning farzandlarining ahvoli haqida surishtirdi. Saroy a'yonlari marhum lashkarboshi farzandlarining ahvoli ancha yaxshilanib ketgani va ayshishratda umr kechirayotganlari haqida so'zladilar. Xalifa hayron bo'ldi: «Axir ular o'zlarining miskin ahvollari haqida ariza yozib, yordam so'ragan edilar-ku», deb ularni topib saroyga keltirishni buyurdi. Yasovullar lashkarboshi farzandlarini saroyga keltirdilar. Xalifa ulardan ahvol so'radi. Ular dedilar: «Haqiqatan ham bizning ahvolimiz yomonlashib, qashshoqlik girdobiga cho'kayotgan edik. Ammo otamiz savdogarning o'g'liga o'n ming dinor oltinni omonat bergan ekan. Bundan hech kimning xabari yo'q edi. Savdogar o'g'liga bizning ehtiyojmandligimiz ma'lum bo'lgach, o'sha omonatni bizga topshirdi». Bu so'zlarni eshitgan xalifa:

– Omonatga xiyonat qilmay diyonat bilan saqlamoq shunchalik bo'lgay. Birov kattagina mablag'ni birovga omonat bersa va o'zi o'lib ketsa, molni talab qilib oluvchi egasi bo'lmasada, u kishi o'zi qidirib kelib omonatni egasiga topshirsa. Bunday zot hamma sohada yetuk va mo'tabar shaxsdir, – dedi.

Xalifa savdogar o'g'lini saroyga chaqirtirib, unga faxrli liboslar in'om qildi va xazinadorlik mansabini topshirdi.

Omonatga xiyonat qilmaganligi tufayli savdogar o'g'lining boyligi shu darajaga yetdiki, Bag'dod shahrida undan ko'ra badavlatroq odam yo'q edi.

Muhammad AVFIY

TENGDOSHLARINGIZ

IJODIDAN



Dilnura G'AFFUROVA,
Toshkent shahri
M. Ulug'bek tumani,
241-umumta'lim maktabi
4-«b» sinf o'quvchisi

RANGLAR

JILOSI



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» номли танлов эълон қилади.

Уикки йўналишда ўтказилади.

1. «Ўзбекистон ёшлар нигоҳида» номли расмлар (фотосуратлар) танлови.

2. «Она Ватанимнинг буюк фарзандлари», «Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман», «Ватанга хизмат қилиш – буюк мақсадим» мавзуларида мақолалар танлови.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад, ҳарбий хизматчилар ўртасида буюк аجدларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга бўлган муносабатининг, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, шу жумладан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг расмлар ва мақолаларда акс эттирилишга бўлган интилишларини рағбатлантиришдан иборат.

Унда иштирок этиш истиагида бўлсангиз, ўз ижодий ишларингизни 2021 йилнинг 16 апрелидан 10 августига қадар «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти – Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй ёки vatanparvar09@mail.ru электрон почта манзилига, шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғи орқали 90-968-62-08 рақамига юборишингиз мумкин.

«ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ»



Танлов учун тақдим этилган ижодий ишлар (*word шаклидаги мақолалар; 10 тагача бўлган расмлар*) электрон шаклда қабул қилинади ва энг саралари (*расм ва мақолалар*) газета саҳифаларида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» рукни остида эълон қилиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

муаллифнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
муаллифнинг манзили ва телефон рақами;
муаллифнинг хизмат жойи.

Тақдим этилган ижодий ишлар таҳририят ижодий ходимларидан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Ғолиблар ҳар икки йўналиш (*расм ва мақолалар*) бўйича қуйи-

даги алоҳида мукофотлар билан тақдирланади:

1-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 (*саккиз*) баробари, китоб ва диплом;

2-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (*олти*) баробари, китоб ва диплом;

3-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (*тўрт*) баробари, китоб ва диплом.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар 2021 йилнинг 24 августига – Мустақиллик куни арафасида Қуролли Кучлар давлат музейида тантанали равишда топширилади.

Омад сизга ёр бўлсин!

**«Ватанпарвар»
Бирлашган таҳририяти**

БИР ЧИМДИМ

МЕН ФИЛЛАРНИ
ЎҚТИРМАЙМАН.
ҚАНЧАЛИК КУЧЛИ ВА
ҚАНЧАЛИК ИТОАТКОР.

ЧАРЛИ ЧАПЛИН

БИЛАСИЗМИ?

ОСМОН ТУЛПОРЛАРИ –

Қадимги Даван, яъни Фарғонанинг учқур отлари Хитой манбаларида шундай номланган. Қайси давлатнинг «осмон тулпорлари»дан иборат отлик қўшини бўлса, шулар қудратли ҳисобланган.

Буюк Хитой девори барпо этилишининг сабаби ҳам шунга бориб тақалади. Чин мамлакатининг ҳокими Чин Шихуангди (*мил.ав. 246 – 208*) учқур отлар билан қуролланган ва от устида чошиб кетаётган ўқ-ёй отишга моҳир бўлган туркий халқларнинг ҳужумларини тўсишнинг бирдан-бир йўли шимолий чегара бўйлаб от ўтолмайдиган даражада баланд девор қуриш деб билган эди. Ва унинг қарори билан Буюк Хитой девори барпо этилди.



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Дунёнинг энг
сирли халқлари

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳрор Очиллов

Навбатчи:

лейтенант
Исломжон Қўчқоров

Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева
Дилноза Мелиқўзиева

Мусахҳихлар:

Зебо Сариева
Сайёра Мирзаева

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримлик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-206.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 32 673 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилмиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.